БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-ИЮЛ ЧИҚИШИ
№ 32 (1294)
10 ФЕВРАЛЬ СЕШАНБА 1959 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Коммунистик партиянинг XXI съезди улуғ Ватанимизнинг ҳамма меҳнаткашларига мурожаат қилиб, уларни етти йиллик планни бажариш ва ошириб бажариш учун актив курашга чақиради. Съезд комил ишонч билан айтадики, ишчилар, колхозчилар, совет интеллигенцияси социалистик давлатимизнинг қудратини янада кўпроқ мустаҳкамлаш, марксизм-ленинизмнинг музаффар байроғига ёзилган коммунистик ғоя ва мақсадларни амалга ошириш учун ҳамма чораларни кўрадилар.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ XXI СЪЕЗДИ

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари

(КПСС XXI съездида 1959 йил 5 февралда бир овоздан тасдиқланган)

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXI съезди чуқур мамнуният билан шуни қайд қиладики, мамлакатимиз халқлари партия раҳбарлигида КПСС XX съездининг тарихий қарорларини изчиллик билан амалга ошира бориш натижасида янги жуда катта ғалабаларга эришдилар. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари партия XXI съездини саноатда, қишлоқ хўжалигида, фан ва маданиятни ривожлантиришда, халқнинг моддий фаровонлигини юксалтиришда жуда катта муваффақиятлар билан кутиб олдилар. Халқаро муносабатларда, тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун курашда Совет давлатининг роли ва обрўйи янада кўпроқ ошди. Улуғ Ватанимиз ўзининг ижодий кучлари гуллаб яшнаган ҳолда шаҳдам қадам ташлаб коммунизм сари комил ишонч билан олға бормоқда.

Ўз Коммунистик партияси атрофида жипслашган совет халқи шундай чўққиларга эришди, шундай жуда катта ўзгаришлар қилдики, булар мамлакатимиз ўз тараққиётининг энди энг муҳим даврига — коммунистик жамият қуришни кенг авж олдириш даврига қадам қўйишига имконият беради. Коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш, Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қувватини янада мустаҳкамлаш ва шу билан бир вақтда совет халқининг ўсиб бораётган моддий ҳамда маънавий эҳтиёжларини тагин ҳам тўлароқ қондириш вазифалари шу даврнинг асосий вазифалари бўлади. Бу эса капиталистик дунё билан бўлаётган мусобақанинг ҳал қилувчи босқичи бўладики, бу босқичда аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш жиҳатидан энг тараққий этган капиталистик мамлакатларга етиб олиш ва улардан ўзиб кетишдан иборат тарихий вазифа амалда бажарилиши лозим. Коммунистик партия, бутун совет халқи бу вазифанинг муваффақиятли ҳал этилишига тўла аминдирлар.

Биздаги мавжуд барча ресурслар ва имкониятларнинг ҳаммасидан тўлароқ фойдаланиш, мамлакатимиз олдида турган тарихий вазифаларни қисқа муддатларда бажариш учун КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети СССР Госпланига партия XX съездининг қарорларига, Партия ва Ҳукуматнинг кейинги қарорларига асосланиб, мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари проектини Совет Иттифоқининг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришнинг Коммунистик партия томонидан яқин 15 йилга мўлжалланган ва СССР Олий Советининг 1957 йил 6 ноябрдаги юбилей сессиясида баён қилинган программасига мувофиқ ишлаб чиқишни топширдилар.

КПСС Марказий Комитетининг 1958 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган Пленуми партиянинг навбатдан ташқари XXI съездини чақириб, бу съездда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамларини кўриб чиқишни зарур деб топди.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари» тўғрисида КПСС XXI съездида ўртоқ Н. С. Хрушчев қиладиган докладнинг тезисларини кўриб чиқди ва маъқуллади ҳамда тезисларнинг съезд олдидан кенг муҳокамасини ўтказишга қарор қилди. Бутун мамлакатда съезд олдидан бўлган муҳокама вақтида корхона ва қурилишларда, колхоз ва совхозларда, илмий муассасалар ва ўқув юртларида, Армия ва Флот қисмларида, совет муассасаларида 968 мингдан кўпроқ йиғилишлар бўлди. Бу йиғилишларда 70 миллиондан кўпроқ киши қатнашди, 4 миллион 672 минг ўртоқ йиғилишларда сўзга чиқиб, ўзларининг таклифларини, қўшимчаларини ва мулоҳазаларини айтдилар. Меҳнаткашларнинг йиғилишлари, партия конференциялари ва съездлари контроль рақамлар тўғрисидаги тезисларни якдиллик билан маъқулладилар. Бу тезисларда мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида партиянинг ленинча бош ғояси чуқур асослаб берилган.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган ва КПСС XXI съездига тақдим этилган контроль рақамлари КПСС Марказий Комитетининг ва СССР Министрлар Советининг топшириғига биноан корхоналар, халқ хўжалиги кенгашлари, иттифоқчи республикаларнинг Госпланлари ва Министрлар Советлари, министрликлар, бошқармалар, Фанлар академияси ҳамда бошқа илмий муассасалар ва СССР Госплани томонидан партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, ишчилар, колхозчилар, инженер-техник ходимлар кенг оммасининг иштироки билан ишлаб чиқилди.

Шундай қилиб, контроль рақамлар партия, совет, планлаштирувчи ва хўжалик органларимиз томонидан олиб борилган катта ва ҳар томонлама ишнинг натижасидир, кенг меҳнаткашлар оммаси томонидан олиб борилган жуда катта ижодий ишнинг натижасидир. Бу эса социалистик халқ хўжалигини бошқаришнинг муҳим принципи бўлган ва бутун халқнинг жонажон иши бўлган социалистик планлаштиришнинг моҳиятига мос бўлиб тушади.

Коммунистик партия марксизм-ленинизмнинг ижтимоий тараққиёт қонуниятлари тўғрисидаги асосий қоидаларига асосланиб, кенг меҳнаткашлар оммасининг ижодий активлигига ва ташаббускорлигига таяниб ишлаётганлиги ва халқ хўжалигининг давлат планларида социализм ва коммунизм қурилишининг асосий масалаларини ҳамда шу масалаларни ҳал қилиш йўлларини тўғри белгилаб бераётганлиги туфайли Совет давлатини ва унинг экономикасини ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг улуғвор вазифалари социалистик қурилишнинг ҳамма босқичларида муваффақиятли равишда ҳал қилиниб келди ва ҳал қилинмоқда.

СССРда социализм қуришнинг тарихий тажрибаси экономикани социалистик негизларда муваффақиятли равишда қайта қурмоқ узоқ муддатга мўлжалланган яхлит давлат планлари бўлиши зарурлигини яққол кўрсатди.

Социалистик хўжаликни планлаштиришнинг доҳиёна идеяларини илгари сурган ва социалистик планлаштиришнинг асосий принципларини ишлаб чиққан В. И. Ленин халқ хўжалигини ривожлантиришнинг биринчи перспектив планининг, Россияни электрлаштиришнинг илмий равишда чуқур асосланган планининг — машҳур ГОЭЛРО планининг илҳомчиси ва ташкилотчиси бўлди. Ленин қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуриш вазифаларини ўзининг машҳур кооператив планида ишлаб чиқди.

Коммунистик партия халқ хўжалигини планлаштиришнинг ленинча идеяларини беш йиллик планларга асос қилиб олди, бу планларнинг муваффақиятли равишда амалга оширилиши экономикани тез суръатлар билан ривожлантиришни ва мамлакатимизни қисқа муддат ичида қудратли социалистик индустриал-колхоз давлатига айлантиришни таъминлади. Халқ хўжалигини давлат планлари асосида жадал ривожлантиришнинг бу жуда бой тажрибаси халқаро миқёсда эътиборга сазовор бўлди.

Совет Иттифоқи халқ хўжалиги тараққиётнинг янги босқичида турган ҳозирги замон шароитида Коммунистик партия ўзининг XX съездида тагин ҳам узоқроқ муддатга мўлжалланган перспектив план ишлаб чиқиш вазифасини қўйди. СССР Олий Советининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг қирқ йиллигига бағишланган сессиясида бу планнинг асосий йўналишлари ва вазифалари баён қилиб берилди.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг яқин 15 йилга мўлжалланган перспективасида шу нарса кўзда тутиладики, бу даврнинг ичида СССР саноатининг ҳал қилувчи тармоқлари ўз маҳсулотини 2-3 баравардан зиёдроқ кўпайтиради. Шу билан бирга 1957 йилдагига нисбатан темир-руда қазиб чиқариш тахминан 3,5 баравар, нефть чиқариш 4 баравар, газ чиқариб олиш ва ишлаб чиқариш 13-15 баравар, чўян ва пўлат ишлаб чиқариш 2,3 баравар, электр қуввати ишлаб чиқариш 4,3 баравар, цемент ишлаб чиқариш 4 баравар кўпаяди ва ҳоказо. Қишлоқ хўжалиги соҳасида унинг ҳамма тармоқларини янада кенг миқёсда юксалтириш кўзда тутилади. Бу эса маҳсулотларнинг мўл-кўл бўлишини ва совет кишиларининг ҳаётий эҳтиёжларини тўла қондиришни таъминлайди. Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг яқин 15 йилга мўлжалланган перспектив плани СССРда коммунизм қуришнинг иқтисодий программасидир.

Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари шу перспектив планнинг таркибий қисмидир. 15 йилга мўлжалланган программанинг анча қисми 1959-1965 йиллар мобайнида бажарилади.

Халқ хўжалигини коммунизм йўлида жадал ривожлантириш проблемаси, социализмнинг капитализм билан бўлаётган тинч иқтисодий мусобақасида вақтдан энг кўп ютиш проблемаси шу етти йиллик планнинг туб проблемасидир.

Ривожлантириш суръатларидаги устунлик социалистик хўжалик системасининг ҳамиша ҳал қилувчи устунлиги бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Биз саноат ишлаб чиқаришнинг 1913 йилдаги даражасини тиклаб, халқ хўжалигини тубдан реконструкция қилишга киришган, биринчи беш йиллик планни амалга ошира бошлаган вақтимизда Совет Иттифоқи энг тараққий этган капиталистик мамлакатлардан тахминан 50-100 йил орқада қолиб келмоқда эди. Ўн-ўн икки йил ичида бизнинг мамлакатимиз асрий қолоқликни бартараф қилиб, қолоқликдан тараққиёт сари сакраб ўтди ва ўзининг буюк ғалабаларини, эркинлигини ва мустақиллигини қаттиқ туриб сақлаб қолишга лаёқатли қудратли социалистик давлатга айланди.

СССР халқ хўжалигига иккинчи жаҳон уруши вақтида жуда катта зарар етказилганлигига қарамай, Совет Иттифоқи Ватан уруши тамом бўлганидан кейин тахминан икки ярим йил ичида саноат ишлаб чиқаришининг урушга қадар бўлган 1940 йилги даражасини тиклаб олди, кейинги ўн йил ичида эса бу даражадан тўрт баравардан зиёдроқ ошиб кетди.

Шу етти йил мобайнида СССР халқ хўжалиги ва аввало унинг асоси бўлган оғир индустрия аввалгидек бу сафар ҳам капиталистик мамлакатлар, шу жумладан Америка Қўшма Штатлари экономикасининг ривожланиш суръатларидан кўп марта ошиб тушадиган суръатлар билан ривожлантирилади. Биз социалистик экономикани коммунизм сари ривожлантириш йўлида унинг тагин ҳам юқори сифат ҳолатига яна сакраб ўтишимиз, халқнинг фаровонлигини тагин ҳам юксалтириш учун Совет Иттифоқининг иқтисодий потенциалини анча оширишимиз керак бўлади. Етти йиллик план топшириқлари ҳам мана шу улуғ тарихий мақсадга бўйсундирилгандир.

Етти йиллик план тараққиёт йўлида ривожланиб бораётган халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларидаги чуқур сифат ўзгаришларига асосланади. Бу эса халқ хўжалигини тагин ҳам тез суръат билан ривожлантиришнигина таъминлаб қолмасдан, шу билан бирга саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг энг муҳим турларини ишлаб чиқаришни энг тараққий этган капиталистик мамлакатлардагига нисбатан тагин ҳам юксак даражада абсолют миқдорда ўстиришни таъминлаш имконини беради. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг барқ уриб ривожланиши туфайли шу етти йил ичида халқнинг турмуш даражасини анча ошириш ва мамлакатда «... жамиятнинг **барча** аъзоларининг **тўла** фаровонлиги ва **ҳар томонлама** эркин ривожланишини таъмин этиш» (В. И. Ленин, Асарлар, 6-том, 43-бет) учун зарур бўлган даражада моддий неъматларни мўлкўл қиладиган шарт-шароит вужудга келтириш вазифаси ҳал қилинади.

Яқин 15 йил ичида СССР ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми жиҳатидангина эмас, шу билан бирга аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш жиҳатидан ҳам жаҳонда биринчи ўринга ўтиб олади, мамлакатимизда коммунизмнинг моддий-техника базаси вужудга келтирилади, бу эса шу билан бирликда энг тараққий этган капиталистик мамлакатлар билан тинч иқтисодий мусобақада Совет Иттифоқи қозонадиган буюк ғалаба бўлади.

Бизнинг партиямиз, бутун совет халқи, коммунистик жамият қуришда ўз олдиларига жуда катта янги вазифаларни қўяр эканлар, бу вазифаларни бажаришда марксизм-ленинизм назариясини, илмий коммунизмнинг асосий принципларини амалга ошириш натижасида эришилган жаҳоншумул-тарихий ғалабаларга таянадилар.

I.

СССРда хўжалик ва маданий қурилишнинг баъзи якунлари

1. Совет халқи мамлакатимизда социализм қуришнинг ленинча планига В. И. Ленининг мамлакат экономикасини юксалтириш базаси бўлган оғир индустрияни илдам ривожлантириш тўғрисидаги таълимотига амал қилиб ва социалистик хўжалик системасининг афзалликларидан фойдаланиб, Коммунистик партия раҳбарлигида экономикани ва маданиятни ривожлантиришда, халқ фаровонлигини ўстиришда буюк ғалабаларга эришди.

Мамлакатни индустриалаштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, эксплуататор синфларни тугатиш ва маданий революция ўтказиш натижасида Совет Иттифоқида социализм ғалаба қилди ва аста-секин коммунизмга ўтиш муваффақиятли равишда амалга оширилмоқда.

Жаҳонда биринчи социалистик давлат қуриш ишлари ғоят қийин шароитда олиб борилди. Халқаро империализм СССРда социализм қуришга қурол кучи билан ҳалақит беришга неча марталаб уринди кўрди. Совет ҳокимияти вужудга келгандан бери ўтган 41 йил ичида совет халқи шу даврнинг ярмидан сал кўпроғинигина тинч меҳнат қилиш билан ўтказди, чунки йигирма йилга яқин вақт урушлар билан ва ундан кейинги даврлар вайрон қилинган хўжаликни тиклаш билан ўтди. Совет тузумининг буюк ҳаётий кучи шу нарсада ўзини яққол кўрсатдики, совет халқи ўз йўлидаги ҳамма қийинчиликларни ва тўсиқларни енгиб, қудратли ва яшнаб турган социалистик экономикани вужудга келтирди.

Эндиликда, Совет Иттифоқининг қудратли, ҳар томонлама ривожланган саноати, транспорти, юксак даражада механизациялаштирилган социалистик қишлоқ хўжалиги бор. Мамлакатнинг ижтимоий бойлиги ва миллий даромади йилдан-йилга ўсмоқда. Совет ҳокимияти бунёдга келгандан бери ўтган вақт ичида миллий даромад, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 15 баравар кўпайди (халқ хўжалигининг умумий юксалиши ва халқ турмуш даражасининг ошганлиги миллий даромаднинг ўсишида ифодаланади). Шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг моддий фаровонлиги ва маданий савияси тўхтовсиз ошиб бормоқда.

Совет халқи янги жамият — социализм ва шу жамиятга мос бўлган янги сиёсий тузум — Совет социалистик давлатини вужудга келтирди. Бу эса совет халқи қаҳрамонона кураши ва меҳнатининг энг асосий натижаси ва якунидир. Социалистик жамият ва совет давлат тузуми вужудга келиши ва ривожланиши билан ижтимоий ривожланишнинг шу вақтгача номаълум бўлган янги қонуниятлари, одамлар ўртасидаги муносабатларнинг янги нормалари пайдо бўлди.

Ҳозирги замон капитализмининг асосий мақсади, уни ривожлантирувчи бош восита ва пружина меҳнаткашларни шафқатсиз эксплуатация қилиш йўли билан энг кўп фойда олишдан иборат бўлса ва бунинг натижасида жамиятнинг жуда оз қисми бойиб, аҳолининг кўпчилиги хонавайрон бўлиб, қашшоқлашаверса, социализмнинг олий мақсади, уни ҳаракатлантирувчи қудратли куч бутун жамиятнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўхтовсиз қондиришдан, илғор фан ва техниканинг ҳамма муваффақиятларидан фойдаланувчи саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини узлуксиз ривожлантириш ва такомиллаштириш асосида меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ўстиришдан иборатдир.

Социалистик жамиятда капитализмга хос бўлган зиддиятлар учун, ишлаб чиқаришнинг ижтимоий характери билан ўзлаштиришнинг хусусий усули ўртасидаги зиддиятлар учун ўрин йўқ, конкуренция, ишлаб чиқариш анархияси, ишсизлик, иқтисодий кризислар каби ҳолатларга ўрин йўқ. Социалистик жамиятда бошқача иқтисодий қонуниятлар: халқ хўжалигининг планли ва пропорционал ривожланиши, тушкунлик ва кризисларни билмайдиган ишлаб чиқаришнинг узлуксиз ва тез ўсиши каби қонуниятлар вужудга келди ва амалдадир. Бу эса халқ хўжалигина планлаштиришга, унинг ривожланиш йўлини белгилаб беришга, ишлаб чиқариш ҳажмларини узлуксиз кўпайтиришга, ишлаб чиқарувчи кучларни рационал жойлаштиришга, ихтисослаштиришни ва кооперативлаштиришни социалистик негизларда кенг миқёсда ўтказишга имкон беради.

Социализм янги иқтисодий қонуниятларнигина эмас, янги ижтимоий муносабатларни ҳам тугдирди. Одамни одам эксплуатация қилиши буржуа жамиятига хос хусусиятдир. Бунинг ўрнига социализм даврида социалистик ижтимоий мулк негизида жамият аъзоларининг, яъни халқ хўжалиги ва маданиятнинг ривожланишидан ғоят манфаатдор бўлган, бу ривожланиш ўз меҳнатларининг натижаларига батамом боғлиқ эканлигини англаб турган тенг ҳуқуқли ва эркин кишиларнинг биргаликда қилинадиган меҳнатида ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик ўрнатилди. Конкуренция, хусусий эгалик ва одамни одам вахшиёна эксплуатация-қилиш ўрнини социалистик жамият кишилари ўртасидаги янги чинакам инсоппарварлик муносабатлари — ўртоқларча мусобақа ва ҳамкорлик, меҳнатда бир-бирини қувватлаш муносабатлари, кенг халқ оммасининг ижодий ташаббус, активлик, талант ва қобилиятларини кўрсатишга кенг имконият берадиган муносабатлар эгаллади.

Социализм, совет давлат тузуми шароитида чинакам демократизм ифодаси бўлган янги ижтимоий муносабатлар пайдо бўлди ва ривожланди. Совет давлатининг мустаҳкам негизи бўлган ишчилар синфи билан деҳқонларнинг бузилмас иттифоқи тагин ҳам кўпроқ мустаҳкамланди, Совет Иттифоқидаги эркин ва мустақил халқларнинг қардошларча дўстлиги мустаҳкамланди.

Миллатларнинг эркин иттифоқи бўлган кўпмиллатли Совет давлати йилдан-йилга тобора мустаҳкамланмоқда. Тенгҳуқуқли миллатларни ва халқларни бирлаштирган Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи барча совет республикаларининг экономикасини ва маданиятини ҳар томонлама тинмай ривожлантиришни таъминламоқда.

Мана шу янги қонуниятларнинг ҳаммаси, янги ижтимоий муносабатларнинг мана шу ҳамма характерли белгилари биринчи бўлиб социализм қурган фақат бизнинг мамлакатимиздагина эмас, шу билан бирга капитализмга нисбатан буюк афзалликларини кўрсатаётган, кундан кунга ҳаётий кучга тўлаётган ҳар бир социалистик мамлакатда, социализмнинг бутун жаҳон системасида ҳам ҳаракат қилиши учун, эндиликда, ўзига кенг майдон очиб олди.

2. СССР меҳнаткашлари Россиянинг саноат соҳасидаги асрий қолоқлигини Совет ҳокимияти йиллари мобайнида тугатиб, Совет давлатининг иқтисодий мустақиллиги ва қарамсизлигини таъминлаб берган қудратли саноатни вужудга келтиришлар. Ҳозирги вақтда СССР саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми жиҳатидан Европада биринчи ва жаҳонда иккинчи ўринда турибди.

Мамлакатимизда саноат ишлаб чиқаришида эришилган жуда катта миқёсни қуйидаги маълумотлар яққол кўрсатади. 1958 йилда 55 миллион тоннага яқин чўян эритилди, 113 миллион тонна нефть чиқарилди. Бу шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда ҳар ойда бутун 1913 йилдагига қараганда кўпроқ пўлат эритилмоқда ва нефть чиқарилмоқда. 1958 йилда электр қуввати ишлаб чиқариш 233 миллиард киловатт-соатга етказилди. Ҳозир бизнинг мамлакатимизда ҳар уч кунда чор Россиясида бир йилда ишлаб чиқарилган электр қувватига баравар келадиган миқдорда электр қуввати ишлаб чиқарилмоқда. Аслини олганда, эски Россияда кимё саноати йўқ эди. Ҳозирги вақтда кимё саноати маҳсулотининг ҳажми жиҳатидан СССР жаҳонда иккинчи ўринда турибди.

Халқ хўжалигини индустриал ривожлантиришнинг ва техника тараққиётининг асоси бўлган машинасозлик саноатини ривожлантиришда айниқса зўр муваффақиятлар қўлга киритилди. Машиналар ва ускуналарнинг кўп турларини ишлаб чиқариш кенг миқёсда янгидан барпо қилинди. Чунончи 1913 йилда ҳаммаси бўлиб 6 минг киловатт қувватга эга бўлган турбиналар чиқарилган бўлса, 1958 йилда 6,6 миллион киловатт қувватга эга турбиналар чиқарилди, металл қирқувчи станоклар 1913 йилда атиги 1,5 мингта ишлаб чиқарилган бўлса, 1958 йилда 138 мингтадан кўпроқ ишлаб чиқарилди. Ҳозирги вақтда СССР саноати йилига 220 минг трактор, 10 мингдан кўпроқ экскаватор, 500 мингдан кўп автомобиль ишлаб чиқармоқда.

СССРнинг бутун оғир саноати жадал суръат билан ривожланмоқда: ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш 1958 йилда 1940 йилдагига нисбатан 5 баравардан зиёдроқ кўпайди.

Оғир индустриянинг тез суръат билан ривожлантирилганлиги ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг тез суръат билан ўстирилганлиги енгил саноатнинг ва озиқ-овқат саноатининг ҳамма тармоқларини юксалтирмоқ учун мустаҳкам негиз яратиб берди. Истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш 1958 йилда 1913 йилдагига нисбатан қарийб 14 баравар кўпайди, шу билан бирга маданий-маиший эҳтиёжларга керакли буюмлар ишлаб чиқариш 45 баравардан зиёд кўпайди. Енгил саноатнинг ва озиқ-овқат саноатининг айрим тармоқлари Улуғ Ватан уруши йилларида ишлаб чиқариш даражаси жиҳатидан кўп йиллар орқадаги даражага тушиб қолганлигига қарамай, ҳозирги вақтда халқ истеъмол қиладиган буюмлар 1940 йилдагига нисбатан 2,7 баравардан кўпроқ ишлаб чиқарилмоқда.

Социалистик саноат фан ва техниканинг энг янги муваффақиятларига, ишчилар, олимлар, инженерлар ва техникларнинг тобора ўсиб бораётган ижодий ташаббускорлигига ва фидокорона меҳнатига таяниб ривожланаётганлиги туфайли катта муваффақиятларга эришди. КПСС XX съездидан кейин ўтган даврнинг ўзидагина машиналар, механизмлар ва аппаратларнинг 4500

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Суратда: Бельгия Коммунистик партияси делегациясининг «Ташсельмаш» заводи коллективи билан учрашуви. Бельгия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари, сиёсий бюро аъзоси **Жан Блюм** нутқ сўзламоқда.

Қ. Розиқов фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

Суратда: Швейцария меҳнат партияси делегациясининг «Таштекстильмаш» заводи коллективи билан учрашуви. Швейцария меҳнат партиясининг бош секретари **Эдгар Воог** нутқ сўзламоқда.

Г. Пун фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

Суратда: Франция Коммунистик партияси вакилларининг Тошкент тўқувчи[illegible] билан учрашуви. Франция Коммунистик партияси Марказий Комитети[illegible] аъзоси **Ролан Леруа** сўзламоқда.

В. Лейзерович фотоси (ЎзТАГ фотохро[illegible]

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ XXI СЪЕЗДИ

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

дан кўпроқ энг янги типлари яратилди ва ўзлаштирилди, ёки бутун бешинчи беш йилликда бўлганига қараганда анча кўп миқдорда янги типдаги машиналар, механизмлар ва аппаратлар яратилди; 800 тадан кўпроқ янги типдаги асбоб яратилди ва ўзлаштирилди.

Саноат ва қурилишни бошқариш қайта қурилганлиги халқ хўжалигининг ривожланишини жадаллаштириб юборган энг муҳим омил бўлди. Халқ хўжалиги кенгашлари иш бошлагандан бери ўтган қисқа давр ичида саноатни бошқаришнинг янги формаси жуда катта афзалликларга эга эканлиги намоён бўлди. Саноат маҳсулотини ўстириш суръатлари ошди, ишлаб чиқаришнинг ички резервларидан фойдаланиш анча яхшиланди, ишчилар синфининг, инженер-техник кадрларнинг ташаббускорлиги ва активлиги кучайди, давлат планларини бажариш учун социалистик мусобақа тағин ҳам кўпроқ кенгайди. Халқ хўжалиги кенгашлари ишга тушган дастлабки йилда саноат маҳсулотининг ўсиши бундан аввалги йилдаги маҳсулотнинг ўсишига нисбатан 17 миллиард сўмлик миқдорда кўпайди. Корхоналар ишининг техника-иқтисодий кўрсаткичлари анча яхшиланди. Меҳнат унумдорлигини ўстириш ва саноат маҳсулотининг таннархини камайтириш плани 1957 йилда ва 1958 йилда ошириб бажарилди. 1958 йилда маҳсулот таннархини камайтириш натижасида, пландан ташқари тежалган умумий маблағ 10 миллиард сўмдан кўпроқ бўлди.

Саноат ва қурилишни бошқариш қайта қурилганлиги натижасида ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилиш янги, тағин ҳам юқори босқичга кўтарилди, иқтисодий районлар ва республикаларнинг ўзида ҳам, шунингдек бутун халқ хўжалигида ҳам ихтисослаштиришни ва кооперативлаштиришни янада ривожлантирмоқ учун кенг имкониятлар вужудга келтирилди.

3. Партия Ленининнинг кооператив планини изчиллик билан амалга ошириб борганлиги қишлоқда социализмнинг ғалаба қозонишини таъминлади. Миллион-миллион деҳқон хонадонлари энди йирик социалистик хўжаликларда — колхозларда бирлашиб олдилар. Хозирги вақтда колхозлар сони саккиз марта камайтирилган ва ҳозирги вақтда 70 минга яқин колхозлар ишлаяпти. Колхозлар билан бир қаторда 6 минга давлат йирик қишлоқ хўжалик корхонаси — совхоз бор.

Қишлоқ хўжалигини социалистик реконструкция қилиш ва уни ҳозирги замон техникаси билан қуроллантириш асосида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ҳажми кўпайди ҳамда колхозчиларнинг ва совхоз ишчиларининг меҳнат унумдорлиги ошди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида шуғулланаётган аҳолининг салмоғи революциядан олдинги даврдагига нисбатан қарийб икки баравар қисқарган бўлса ҳам, лекин қишлоқ хўжалигининг ялпи ва товар маҳсулоти бир неча баравар кўпайди.

КПСС Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш программасини ишлаб чиққан сентябрь Пленумидан кейин (1953 йил) ўтган давр ичида колхоз тузумини янада мустаҳкамлаш ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришда катта муваффақиятлар қўлга киритилди. 36 миллион гектар қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришдан иборат жуда катта халқ хўжалик вазифаси қисқа муддат ичида ҳал қилинди, бу билан Шарқда ғоят зўр ғалла базаси ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини мамлакат районлари бўйича ихтисослаштириш учун шарт-шароит вужудга келтирилди. Кейинги беш йил ичида бундан олдинги беш йилдагига нисбатан дон етиштиришнинг йиллик ўртача миқдори 39 процент кўпайди, шу билан бирга маккажўхори экиш кенг равишда ёйилди, пахта етиштириш 20 процент, зиғир толаси етиштириш 77 процент, қанд лавлаги етиштириш 68 процент, кунгабоқар етиштириш 66 процент, картошка етиштириш 10 процент, сабзавот етиштириш 38 процент кўпайди. Совет Иттифоқининг умумий экин майдони 195 миллион гектардан ошиб кетди.

Мамлакатда қорамоллар сони 1958 йилда 1953 йилдагига нисбатан 15 миллион бош, шу жумладан сигирлар 8,1 миллион бош кўпайди; чўчқалар 15,2 миллион бош, қўйлар 29,8 миллион бош кўпайди. 1958 йилда 1953 йилдагига нисбатан гўшт етиштириш (чорва молларининг кўпайишини ҳам ҳисобга олганда) 1,4 баравар, сут етиштириш 1,6 баравар, тухум етиштириш 1,5 баравар, жун етиштириш 1,4 баравар кўпайди, шу жумладан майин ва ярим майин жун етиштириш 2 баравардан зиёдроқ кўпайди. Ҳар бир сигирдан соғиб олинган сутнинг ўртача миқдори колхозларда 1953 йилдаги 1016 килограмм ўрнига 1958 йилда 1913 килограммни ташкил қилди. Кейинги беш йил ичида (1954-1958 йилларда) қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти кўпайишининг йиллик ўртача суръати СССРда 8 процентдан кўпроқни ташкил қилди, АҚШда эса (1954-1958 йилларда) 2 процентдан камроқни ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда эришилган муваффақиятлар — колхоз тузумини мустаҳкамлаш ва совхозларни ривожлантириш, ташкилий-сиёсий ва иқтисодий характерда бўлган катта тадбирларни амалга ошириш ва аввало колхозчи деҳқонларнинг ва барча қишлоқ меҳнаткашларининг ижтимоий ишлаб чиқаришни ўстиришдан моддий манфаатдорлигини ошириш соҳасида Партия ва Ҳукумат томонидан ҳар томонлама олиб борилган ташкилотчилик ишларининг натижасидир. Колхозлар бор резервлардан тўла-тўкис фойдаланиш асосида жамоат хўжалигини ривожлантиришни янгича планлаштириш имкониятига эга бўлдилар.

Партия ва Ҳукумат қишлоқ хўжалигини унинг унумдорлигини оширадиган замонавий техника билан қуроллантириш тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилиб келмоқда. 1954-1958 йиллар ичида қишлоқ хўжалиги 664 минг трактор (ёки 15 от кучига айлантириб ҳисоблаганда бир миллиондан кўпроқ трактор), 361 минг ғалла комбайни, 571 минг юк автомобили ва бошқа кўп техникалар олди.

Қишлоқ хўжалигини социалистик реконструкция қилиш натижасида деҳқонларнинг меҳнат шароити тубдан ўзгарди. Энди қишлоқ хўжалик ходимларининг меҳнати борган сари кўпроқ индустриал меҳнатнинг хилма-хил турларидан бўлиб қолмоқда. Колхозларда ва совхозларда жуда кўп тажрибали ташкилотчи ва мутахассис кадрлар ишламоқда. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигида олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган 500 мингга яқин мутахассис ишлаб турибди.

Колхозлар йирик, иқтисодий жиҳатдан бақувват хўжаликлар бўлиб қолди. Колхозларнинг бўлинмас фондлари 1953 йилдаги 70 миллиард сўмдан 1958 йилнинг 1 январида 102 миллиард сўмга етди. Колхозлар ва колхозчилар давлатга ва кооперацияга сотган маҳсулотлари учун 1952 йилдагига қараганда 1958 йилда 100 миллиард сўмлан кўпроқ пул олдилар. Мана шуларнинг ҳаммаси колхозчиларнинг меҳнат кунларига берилаётган пул ва натура маҳсулотларни анча кўпайтиришга, бу билан уларнинг моддий фаровонлик даражасини оширишга имкон берди.

Кейинги йиллар ичида совхозлар мустаҳкамланди ва уларнинг сони кўпайди. Совхозларнинг экин майдони беш йил ичида 15,2 миллион гектардан 52,4 миллион гектарга етди.

МТСлар қайта ташкил қилинганлиги, колхозларга ишлаб чиқариш-техника хизмати кўрсатиш практикаси ўзгартирилганлиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлашнинг янги тартиби ва шу маҳсулотларни тайёрлашнинг янги нархлари белгиланганлиги социалистик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги муҳим тадбирлар бўлди.

Партия ва Ҳукумат томонидан колхозлар ва совхозларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш соҳасида ўтказилган тадбирлар социалистик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини тағин ҳам муваффақиятлироқ ривожлантирмоқ, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини анча кўпайтирмоқ ва бу маҳсулотлар таннархини камайтирмоқ учун бутун шарт-шароитни вужудга келтирмоқда.

4. Темир йўл, сув, автомобиль ва ҳаво транспортини ривожлантиришда анча муваффақиятларга эришилди. Ҳамма турлардаги транспортнинг юк обороти 1958 йилда 1940 йилдагига нисбатан 3,3 баравар кўпайди. Транспортни техника жиҳатдан қайта қуроллантириш ишлари кенг миқёсда амалга оширилмоқда. Паровозларга нисбатан жуда катта афзаллиги бўлган ва тобора кўпайиб бораётган кенг ҳажмдаги юк ташишни таъминламоқ учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган электровозлар ва тепловозлар муваффақиятли равишда жорий қилинмоқда. Денгиз, дарё ва автомобиль транспортида юк ташиш ҳажми анча кўпайди.

Мамлакат ичида ва халқаро йўлларда ҳаво транспорти кўп ишларда ривожланди.

Совет ҳокимияти йилларида халқ хўжалиги ва маданиятнинг барча тармоқларида жуда катта қурилиш ишлари бажарилди. Урушдан кейинги даврда СССРда капитал қурилишга маблағ сарфлаш ҳар йил ўрта ҳисобда 12 процентдан кўпайиб борди.

Фақат 1946-1958 йилларнинг ўзидагина давлат томонидан сарфланган капитал маблағнинг ҳажми ҳозирги нархлар билан ҳисоблаганда 1 триллион 600 миллиард сўмдан кўпроқ бўлди. Шу вақт ичида 12 мингга яқин давлат йирик саноат корхоналари ҳамда кўп миқдорда ўрта ва майда корхоналар қурилди ва ишга туширилди.

Кейинги 5 йил ичида саноатда ишга туширилган янги қувватлар урушдан олдинги икки беш йилликда ишга туширилган қувватлардан кўп ҳолларда анча ошиқ бўлди, буни қуйидаги рақамлардан кўриш мумкин:

Қуйидагиларни ишлаб чиқарадиган янги қувватлар ишга туширилди:	Биринчи ва иккинчи беш йилликларнинг ҳаммасида	Кейинги 5 йил ичида (1954-1958 йиллар)
Чўян — йилига миллион тонна ҳисобида	11,8	13,2
Пўлат — йилига миллион тонна ҳисобида	10,4	8,7
Цемент — йилига миллион тонна ҳисобида	3,1	13,2
Кўмир чиқариш — йилига миллион тонна ҳисобида	135,4	144,3
Электростанциялар — миллион киловатт ҳисобида	6,4	24
Шакар ишлаб чиқарадиган корхоналар — суткасида лавлагини қайта ишлаш бўйича 1 минг центнер ҳисобида	197,4	563

Уй-жой қурилиши айниқса кенг миқёсда авж олиб кетди. Фақат кейинги беш йилнинг ўзидагина шаҳарларда ва ишчи посёлкаларида 223 миллион квадрат метр, яъни чор Россиясида, 1913 йилда шаҳарларда бўлган бутун уй-жой фондидан анча ошиқ миқдорда янги уй-жой бинолари қурилди. Кейинги беш йил ичида колхозчилар ва қишлоқ зиёлилари қишлоқ жойларида 3 миллиондан кўпроқ уй қуриб олдилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети кейинги даврда капитал қурилиш соҳасида, кучли қурилиш саноатни вужудга келтириш ва қурилишнинг индустриал методларини жорий қилиш, қурилиш ишларининг қийматини камайтириш ва сифатини яхшилаш соҳасида бир қанча тадбирларни амалга оширилар. Саноатни ва қурилишни бошқаришни қайта қуриш 1957 йилда қурилиш ишлари планининг муваффақиятли бажарилишига ёрдам берди ва 1958 йилда қурилиш-монтаж ишларининг ҳажмини 1957 йилдагига нисбатан 17 миллиард сўмдан зиёдроқ миқдорда кўпайтиришни таъминлади.

6. Совет ҳокимияти йилларида маданий революция амалга оширилди, бунинг натижасида Совет Иттифоқидаги ҳамма халқлар маданиятини мисли кўрилмаган даражада яшнатишга муваффақ бўлинди. Аҳолининг маданий ва умумий маълумот савияси тўхтовсиз ошмоқда. Ҳамма турдаги ўқув юртларида ҳозирги вақтда 50 миллиондан кўпроқ киши ўқимоқда. Ҳозирги вақтда СССРда 766 та олий ўқув юрти, 3344 та техникум ва бошқа ўрта махсус ўқув юртлари бўлиб, буларда 4 миллиондан кўпроқ киши ўқимоқда. Кўп сонли мутахассис кадрлар вужудга келтирилганлиги Партия ва Совет ҳокимиятининг энг катта муваффақиятларидан биридир. Халқ хўжалигида ишлаб турган ҳамда олий ва ўрта маълумотга эга бўлган мутахассислар сони қарийб 7,5 миллион кишига етди, яъни 1913 йилдагига қараганда 39 баравар кўпайди. Ҳозирги вақтда СССРнинг олий ўқув юртларини АҚШдаги олий ўқув юртларига қараганда қарийб уч баравар кўп инженер тамомлаб чиқмоқда.

Бизнинг давримизда саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги муваффақиятлар кўп жиҳатдан табиёт ва техника фанларининг кейинги муваффақиятларга асосланган янги техниканинг тараққий этиши билан белгиланади, шу сабабли илм-фанни бутун чоралар билан ривожлантириш давлат аҳамиятига эга бўлган энг муҳим вазифалардан биридир.

СССРда олимларга самарали илмий иш билан шуғулланиш учун бутун имконият бериб қўйилган — энг янги ускуналар билан жиҳозланган жуда кўп илмий муассасалар вужудга келтирилган. 1958 йил охирига келиб илмий ходимлар сони 280 мингдан ошиб кетди, яъни революцияга қадар бўлганига қараганда 28 баравар кўпайди.

Совет олимлари мамлакатимиз халқ хўжалигида техникани тараққий эттиришга катта ҳисса қўшдилар. Олимларнинг математика, механика, физика, кимё, электроника, автоматика, биология соҳаларидаги жуда катта муваффақиятлари халқ хўжалигини ривожлантиришнинг ғоят мураккаб проблемаларини муваффақиятли равишда ҳал қилишга, энг янги техникани саноатга ва қишлоқ хўжалигига жорий қилишга, ишлаб чиқаришнинг юксак даражада самарали методларини ишлаб чиқишга имкон берди.

Бизнинг олимларимиз энг мураккаб илмий-техника вазифаларини ҳал қилишга моҳир эканликларини неча марталаб кўрсатдилар. Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида олимлар, инженерлар ва конструкторларнинг куч ва ғайратларини яқиндан бирлаштириш СССР да фан даражасининг умумий юксалишини ва табиёт илмининг ва техниканинг бу етакчи соҳасида СССРнинг олдинги позицияга чиқиб олишини таъминлади. СССРда қудратли атом саноати вужудга келтирилди.

Совет Иттифоқида 1954 йилдан бери жаҳонда биринчи атом электростанцияси ишлаб турибди. Жаҳонда энг катта ва 600 минг киловатт қувватга эга бўлган атом электростанциясининг 100 минг киловатт қувватдаги биринчи навбат қисми 1958 йилда ишга туширилди, «Ленин» турбоэлектр атом музёрари қуриб битказилмоқда. Зарядланган заррачаларни 10 миллиард электронвольт қувват билан тезлаштирадиган жаҳонда энг зўр тезлаткич қурилди. Совет олимлари термоядро энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш йўлида муваффақият билан олга бормоқдалар. Қитъалараро баллистик ракеталарни кўплаб ишлаб чиқариш ташкил этилди. Совет Иттифоқида Ернинг биринчи сунъий йўлдоши учирилиши билан инсоннинг тарихининг янги даври — космос фазосини ўзлаштириш даври очилди; Ернинг иккинчи ва учинчи йўлдошлари учирилди, Қуёш системасининг биринчи сунъий планетаси бўлиб қолган космик ракета учирилди, қонинотли жисмларга учиш учун тайёргарлик кўрилмоқда. Тез ишлайдиган бир қанча электрон ҳисоблаш машиналари яратилди.

Кўмир, нефть, табиий ёнар газлар, темир, рангли металлар чиқадиган бир қанча катта конлар, шунингдек олмос, нодир металлар ва радиоактив рудалар чиқадиган конлар топилганлиги ва ўрганилганлиги совет геологларининг муваффақиятларини жуда яққол қилиб кўрсатди.

7. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси натижасида совет халқининг моддий фаровонлигини тинимсиз ошириш учун шарт-шароит вужудга келтирилди. Совет ҳокимияти йиллари мобайнида ишчилар синфининг сони анча кўпайди. Ҳозирги вақтда СССР халқ хўжалигида 54 миллион 600 минг яъни 1913 йилдагига қараганда 4 баравардан зиёдроқ, 1940 йилдагига нисбатан эса 1,8 баравар кўп ишчи ва хизматчи ишлаб турибди.

Ишчи ва хизматчиларнинг реал иш ҳақи пенсиялари, нафақаларни, текин ўқитишни ва текин медицина хизмати кўрсатишни кўшиб ҳисоблаганда 1958 йилда 1940 йилдагига нисбатан қарийб икки баравар кўпайди, деҳқонларнинг реал даромадлари эса бир ишловчига ҳисоблаганда икки баравардан зиёдроқ кўпайди.

Партия XX съездининг қарорларини амалга ошириш соҳасида ишчи ва хизматчиларнинг кам ҳақ тўланадиган категорияларни оладиган иш ҳақини кўпайтириш, байрамолди кунларида ва дам олиш кунларидан олдинги кунларда иш кунини қисқартиш, оғир саноатнинг бир қанча тармоқларида ишчи ва хизматчиларни қисқартирилган иш кунига кўчириш сингари катта тадбирлар амалга оширилди, ўсмирлар учун 6 ва 4 соатлик иш куни белгиланди ва бир ойлиқ отпуска бериладиган бўлди, меҳнаткашларни социал страхование бўйича нафақалар билан таъминлашни яхшилайдиган бир қанча чоралар амалга оширилди. Ҳомиладорлик ва туғиш отпускаларининг муддати кўпайтирилди; давлат пенсиялари тўғрисида янги Қонун қабул қилинди. Бу Қонун ишчи ва хизматчиларнинг пенсия таъминотини анча яхшилади.

Совет давлати социал страхование тўловларига, нафақалар, пенсиялар, ўқувчиларга стипендиялар тўлашга, текин ўқитишга, медицина хизмати кўрсатишга, отпускалар ҳақини тўлашга ва шу кабиларга ҳар йили жуда кўп маблағ ажратмоқда. Фақат 1958 йилнинг ўзида шу мақсадларга ажратилган маблағларнинг умумий миқдори 1953 йилдаги 134,5 миллиард сўм ўрнига 215 миллиард сўмдан ошиб кетди. Кейинги беш йил (1954-1958 йиллар) ичида бу тўловлар ва берилган енгилликлар 60 процентдан зиёдроқ миқдорда кўпайди, ваҳоланки бундан олдинги беш йил ичида бу тўловлар ва енгилликлар 27 процент кўпайган эди.

Меҳнаткашларга тўланаётган давлат пенсияларининг миқдори айниқса кўпайди. 1958 йилда аҳоли давлатдан қарийб 64 миллиард сўмлик, яъни 1953 йилда аҳолига тўланган пенсияларнинг миқдоридан қарийб икки ярим баравар ошиқ миқдорда пенсиялар олди.

Меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш соҳасида 1956-1958 йиллар учун тузилган коллектив шартномаларга киритилган тадбирларга 8,8 миллиард сўм ва ишчиларга текин иш кийими беришга 13,5 миллиард сўм ажратилди.

Совет халқининг моддий фаровонлиги ўсганлиги истеъмолнинг кўпайиб ва совет савдосининг ривожланиб бораётганлигида ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда. КПСС XX съездидан кейин ўтган даврда ичида чакана товар оборотининг ҳажми таққосланувчи нархлар билан ҳисоблаганда 31 процент, ёки ўрта ҳисоб билан йилига 9,4 процентдан кўпайди. Товар оборотининг бутун ҳажми 1958 йилда 667 миллиард сўмни ташкил қилди.

8. Совет ҳокимияти йилларида ҳамма республикаларда экономика ва маданиятни юксалтиришда жуда катта муваффақиятлар қўлга киритилди, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ва маданий савияси жуда кўп даражада ошди. Ленинча миллий сиёсат изчиллик билан амалга оширилганлиги, иқтисодий ва маданий жиҳатдан илгари қолоқ бўлиб келган миллий республикаларга қардошларча ўзаро ёрдам бериб турилганлиги натижасида бу республикалар жуда катта замонавий саноатни, машинаситилган йирик қишлоқ хўжалигини, ўқув юртларининг, илмий ва маданий-оқартув муассасаларининг кенг шохобчаларини вужудга келтирдилар, жуда кўп малакали кадрларни тарбиялаб етиштирдилар.

Совет ҳокимияти йилларида йирик саноат маҳсулоти ўрта Осиё республикаларида ва Қозоғистонда 50 баравар, Закавказье республикаларида 30 баравар, Болтиқ бўйи республикаларида (1940 йилдагига нисбатан) 9,5 баравар кўпайди.

Кейинги йилларда Партия ва Ҳукумат иттифоқчи республикаларнинг хўжалик ва маданий қурилиш соҳаларидаги ҳуқуқларини анча кенгайтириш тадбирларини амалга оширдилар, бу эса мамлакатимизнинг табиий ва меҳнат ресурсларидан тағин ҳам самарали фойдаланишга, ҳар бир республикаларнинг экономикасини ва маданиятини тағин ҳам тезроқ ривожлантиришга имкон беради.

9. Социалистик хўжалик системаси меҳнат унумдорлигини тез ўстирмоқ учун бутун шарт-шароитни вужудга келтирди. Техниканы тараққий эттириш ва умумхалқ социалистик мусобақаси асосида СССРда халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида меҳнат унумдорлиги тўхтовсиз ошмоқда. СССР саноатида ишчиларнинг меҳнат унумдорлиги иш куни қисқарган ҳолда 1958 йилда 1913 йилдагига нисбатан тахминан 10 баравар ошди. Ҳар бир ишловчига ҳисоблаганда меҳнат унумдорлиги 1940 йилдагига нисбатан саноатда 2,6 баравар, қурилишда эса 2,4 баравар кўпайди. 1953 йилдан 1958 йилга қадар ўтган давр ичида меҳнат унумдорлиги совхозларда 35 процент, колхозларда 40 процентдан зиёдроқ ошди.

10. Совет Иттифоқи асосий иқтисодий вазифани ҳал қилишда анча олға силжиди. Бизнинг мамлакатимиз чўян, пўлат, кўмир, электр қуввати, цемент, иморатбоп ёғоч, тахта, ип-газлама ва саноат маҳсулотининг бошқа баъзи турларини ишлаб чиқаришнинг абсолют даражаси жиҳатидан Англия, Ғарбий Германия, Франция сингари тараққий этган капиталистик мамлакатлардан ўзиб кетди. Қора металлар ишлаб чиқариш, темир-руда қазиб чиқариш, бир қанча машиналар, асбоблар, ип-газламалар ишлаб чиқариш соҳасида мамлакатимиз билан АҚШ ўртасидаги тафовут анча қисқарди. Саноат ва қишлоқ хўжалигининг бир қанча муҳим турлари соҳасида, масалан, кўмир чиқариш, жун-газламалар, ёғоч ва тахта ишлаб чиқариш, мол ёғи ишлаб чиқариш, буғдой, канд лавлаги ва картошканинг ялпи ҳосили соҳасида СССР АҚШда эришилган даражадан ошиб кетди. Кейинги саккиз йил ичида СССР маҳсулотнинг бир қанча энг муҳим турларини (пўлат, чўян, темир-руда, нефть, кўмир, цемент, олтин гугурт кислотаси, ип ва жун газламалар, чарм пойафзал) ишлаб чиқаришни ўстиришнинг умуман абсолют миқдори жиҳатидан Америка кўрсаткичларидан ўзиб кетди.

11. Социалистик ривожланиш йўлига кирган ҳамма мамлакатлар кейинги даврда жуда катта муваффақиятларга эришдилар. Жаҳон социализм системаси капиталистик системага нисбатан ўзининг шак-шубҳасиз афзалликларини тобора тўлиқроқ очиб кўрсатмоқда.

Дастлабки маълумотларга қараганда, социалистик мамлакатлар 1958 йилда саноат ишлаб чиқариши ҳажмини 1937 йилда ўз территорияларидаги ишлаб чиқариш даражасига нисбатан 5 баравар кўпайтирдилар. Совет Иттифоқи 1937 йилда бирдан-бир социалистик мамлакат бўлганлиги ҳисобга олинадиган бўлса, у ҳолда социалистик хўжалик системасидаги саноат ишлаб чиқаришнинг ҳажми 1937-1958 йилларда тахминан 10 баравар кўпайди. Шу давр ичида эса капиталистик мамлакатларда саноат маҳсулотининг ҳажми 2 баравардан камроқ миқдорда кўпайди, шу билан бирга капиталистик мамлакатларда—АҚШда ва бошқа бир қанча капиталистик мамлакатларда кейинги вақтларда ишлаб чиқариш қисқариб бормоқда.

СССР экономикаси ва маданияти ривожланишининг якунлари, шунингдек халқ демократияси мамлакатларидаги социалистик қайта қуришнинг муваффақиятлари ўз умрини тугатиб бораётган капитализм ўрнини олаётган янги ижтимоий тузумнинг афзалликларини ва улуғ ҳаётий кучини шак-шубҳасиз яққол исботламоқда.

Инсониятга социализм йўлини очиб берган Совет Иттифоқи эндиликда ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришнинг шундай даражасига етдики, бу даража коммунизм қуришнинг янги жуда катта вазифаларини ҳал қилишга ўтиш имконини беради.

II.

1959-1965 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий вазифалари

1. СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган етти йиллик планининг асосий вазифаси халқнинг турмуш даражасини узлуксиз оширишни таъминлаш учун оғир индустрияни устун даражада ўстириш базасида экономиканинг барча тармоқларини янада кучли суратда юксалтиришдан, мамлакатнинг иқтисодий потенциалини анча кучайтиришдан иборат.

Бу планнинг бажарилиши натижасида коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришда ва СССРнинг асосий иқтисодий вазифасини — аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасида энг тараққий этган капиталистик мамлакатларга тарихан жуда қисқа муддатда етиб олиш ва улардан ўзиб кетиш вазифасини амалга оширишда ҳал қилувчи қадам қўйилади.

Коммунистик партия шу етти йил ичида шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг реал даромадларини тағин ҳам кўпроқ оширишни, ишчи ва хизматчиларнинг кам ҳақ оладиган ва ўртача миқдорда ҳақ оладиган группаларининг иш ҳақини анча оширишни таъминлашни энг муҳим вазифа деб ҳисоблайди. Озиқ-овқат ва саноат товарлари ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишни кўп даража ошириш кўзда тутилади. Уй-жой қурилиши кенг миқёсда ривожлантириб юборилади.

Шу етти йиллик Совет Иттифоқи тараққиётида социалистик маданиятни янада юксалтириш билан, совет жамиятининг маънавий бойлигини тобора ўстириш билан коммунизм актив курувчилари — меҳнаткашларнинг онгини юксак даражага кўтаришдан иборат.

Ишлаб чиқарувчи кучларни мавж уриб ўстириш, фан ва техника ютуқларини саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига жорий қилиш, иш кунини қисқартириш, ўрта ва олий таълим системасини қайта қуриш, адабиёт ва санъатни ривожлантириш, шаҳар ва қишлоқда маданий-оқартув муассасалари шохобчаларини кенгайтириш асосида ишчи ва деҳқонларнинг маданий-техника савиясини янада оширишга эришилади. Бу эса ижтимоий меҳнат унумдорлигини анча оширишнинг энг муҳим омилларидан ҳам бири бўлади.

2. Коммунистик партия мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг перспектив планини ишлаб чиққанда, энг тараққий этган капиталистик мамлакатлар билан тинч иқтисодий мусобақада вақтдан ютиш зарурлигига асосланади ва экономикани, хусусан, ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи тармоқларини максимал даражада тез ривожлантиришни кўзда тутади.

СССР экономикасини ҳар томонлама тез ривожлантириш учун контроль рақамларда оғир индустриянинг бутун халқ хўжалигини тағин ҳам тез юксалтиришга ёрдам берадиган тармоқларини устун даражада юксалтириш кўзда тутилади. Контроль рақамларга мувофиқ бир қанча тармоқлар структурасининг ўзгартирилиши, аввало, ёнилғи балансининг тубдан қайта қурилиши ҳам ана шу вазифани бажаришга бўйсундирилади, натижада жуда кўп маблағ иқтисод қилинади.

1959-1965 йиллар мобайнида СССР халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш структурасида жиддий сифат ўзгаришлари рўй беради.

КПСС XXI съезди етти йиллик планнинг энг муҳим вазифалари қуйидагилардан иборат деб ҳисоблайди:

— халқ хўжалигини ривожлантиришнинг юксак суръатларини ва зарур пропорцияларини таъминлаш;

— халқ хўжалигининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун қора ва рангли металлар ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш;

— кимё саноатини ва хусусан, сунъий ҳамда синтетик толани, пластмассани ва бошқа синтетик материалларни ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш. Кимё саноати халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш учун энг муҳим ҳомашё манбаи бўлиб қолади;

— ёқилғининг энг тежамли хилларини—нефть ва газни қидириб топиш ҳамда ишлаб чиқаришни устун даражада ривожлантириш йўли билан ёқилғи баланси структурасини ўзгартириш;

— асосан, ёқилғи билан ишлайдиган йирик электростанциялар қуриш ҳисобига халқ хўжалигининг барча тармоқларини электрлаштиришни тез ривожлантириш;

— машинасозликни, хусусан, оғир машинасозликни, электр машиналар ва аппаратлар ишлаб чиқаришни, меҳнат унумдорлигини тағин ҳам оширишнинг муҳим шарти бўлган автоматлаштириш асбоблари ва воситаларини ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш;

— электрлаштириш ва тепловозларни кенг қўлланиш асосида темир йўл транспортини техника жиҳатидан реконструкциялаш;

— мамлакатнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалик ҳомашёсига бўлган ва тўхтовсиз ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришни таъминлайдиган даражада қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини янада юксалтириш;

— меҳнаткашларнинг уй-жой таъминлигини тугатиш юзасидан Партия ва Ҳукумат қўйган вазифани муваффақиятли бажариш учун уй-жой қурилишини тез ривожлантириш.

3. Шу етти йилликнинг муҳим вазифаси—мамлакатимиздаги бой табиий ресурслардан хўжаликда жадал фойдаланишдан, ишлаб чиқарувчи кучларнинг мамлакат территориясида жойлаштирилишини яхшилашдан, саноатни ҳомашё, ёқилғи манбаларига ва истеъмол қилувчи районларга тобора яқинлаштиришдан иборат.

СССР Шарқий районларининг табиий бойликларини янада ўзлаштиришга алоҳида эътибор берилиши лозим, Шу мақсадда:

— кейинги йилларда Сибирь ва Қозоғистонда топилган янги темир-руда конлари асосида кучли учинчи металлургия базаси қуриш;

— бой ҳомашё конлари базасида Қозоғистон, Ўрта Осиё, Урал, Забайкал районларида рангли металлургияни анча ривожлантириш;

— янги конлардан чиқариладиган арзон кўмир базасида Сибирда энергетикани зўр бериб ривожлантириш;

— нефть ва газ саноатини тез суръатлар билан ривожлантириш, Ўзбекистонда газ саноатининг янги марказини вужудга келтириш;

— кимё саноатини жадал ривожлантириш. Кимё саноати Шарқдаги районлар ва жумладан, Ўрта Осиё республикалари халқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бири бўлиб қолади;

— Сибирь ва Узоқ Шарқнинг ўрмони кўп районларида ёғоч тайёрлашни тез суръатлар билан ривожлантириш;

— дон, пахта ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада ривожлантириш кўзда тутилади.

Шу билан бирга мамлакатнинг Европа қисмида ишлаб чиқарувчи кучларни тез ривожлантириш учун барча имкониятлардан фойдаланиш зарур. Бунинг учун:

— Курск магнит аномалияси ва Украинанинг темир-руда бойликларидан фойдаланиш асосида Марказ ва Жанубнинг қора металлургия ҳомашё базасини ривожлантириш;

— Кольск ярим ороли районларида рангли металлургияни ривожлантириш;

— Волга бўйида, Шимолий Кавказда ва Украинада нефть ва газ саноатини тез суръатлар билан ривожлантириш;

— кўп районларда нефть ва газ базасида кимё саноатини тез ривожлантириш;

— РСФСР, Украина, Белоруссия ва Болтиқ бўйи республикалари районларидаги намгарчилик етарли бўлган зонада ғоят маҳсулдор ерлардан фойдаланишни яхшилаш;

— қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш мўлжалланади.

4. Мана шу етти йил ичида халқ хўжалигининг барча тармоқларида техника тараққий эттирилади. Бу тараққиёт аввало, ватан машинасозлигини, хусусан станоксозлик, асбобсозлик, радиоэлектроника, электротехникани ривожлантириш билан металлургия, кимё, нефть ва газ саноати учун керакли машинаускуналарнинг янги, энг мукаммал хилларини ишлаб чиқариш, полимер материаллар ишлаб чиқаришни ривожлантириш, тинч мақсадларда атом энергиясини янада кўпроқ қўлланиш йўли билан таъмин этилади ва ҳоказо.

5. Ижтимоий меҳнатнинг унумдорлигини бутун чоралар билан ошириш—етти йиллик планнинг ниҳоятда муваффақиятли суратда амалга оширишнинг зарур шартидир. Меҳнат унумдорлигини оширишнинг тез суръатлари хўжаликни социалистик негизда ташкил этишнинг афзаллигига, янги техникани, комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштиришни кенг жорий қилишга ҳамда кадрлар малакасининг ўсишига тайянади. Бу тез суръатлар шу етти йилликда маҳсулотни ўстиришнинг асосий омили бўлади.

(ДАВОМИ УЧИНЧИ БЕТДА)

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ XXI СЪЕЗДИ

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари

(БОШИ ИККИНЧИ БЕТДА)

6. Яқин етти йилликда Партия ва Ҳукумат қўйган вазифаларнинг амалга оширилиши мамлакатимизнинг қудратини янада мустаҳкамлаш учун сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан жуда катта аҳамиятга эга бўлади. СССР халқ хўжалигини ривожлантириш етти йиллик планининг асосий йўналиши экономикани тинч ривожлантириш ва халқ фаровонлигини оширишдан иборат. Бу планнинг бажарилиши мамлакатнинг мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлашга, унинг социализм улуғ ғалабаларини империалист агрессорларнинг ҳар қандай кирдикорларидан ҳимоя қилиш таёргарлигини оширишга ҳам ёрдам беради. Белгиланган планнинг бажарилиши натижасида Ватанимизнинг қудрати ва улуғ социализм лагеридаги барча мамлакатларнинг кучлари янада кўпроқ ўсади. Улуғ социализм лагеридаги барча мамлакатларнинг муносабатлари дўстлик, қардошларча ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамга асосланган. СССРдаги ва барча социалистик мамлакатлардаги тинч хўжалик қурилишининг муваффақиятлари социализмнинг капитализмдан устун эканлигини ифода этувчи янги далил бўлади, марксизм-ленинизм улуғ идеяларининг жозиба кучини янада кўпроқ оширади.

Социалистик саноатнинг ривожланиши

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси саноатни ва хусусан, социалистик экономиканинг, мамлакат қудрати асосларининг негизи, ишлаб чиқарувчи кучларни юксалтириш ва халқ хўжалиги барча тармоқларида меҳнат унумдорлигини оширишнинг ҳал қилувчи омили бўлган оғир индустрияни ривожлантиришга жуда катта аҳамият беради. В. И. Ленин бундай деб ёзган эди: «Йирик машина саноати ва уни деҳқончиликда жорий қилиш социализмнинг бирдан-бир иқтисодий базасидир, инсониятни капитал зулмидан... халос қилиш йўлида муваффақиятли кураш олиб боришнинг бирдан-бир базасидир» (Асарлар, 33-том, 31-бет).

Саноатнинг ялпи маҳсулоти 1965 йилда 1958 йилдагидан тахминан 80 процент, шу жумладан, «А» группасида — ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш соҳасида 85-88 процент ва «Б» группасида — истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш соҳасида 62-65 процент ортади. 1959-1965 йилларда умуман саноат ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ўсиши тахминан 8,6 процент, «А» группасида — 9,3 процент ва «Б» группасида — тахминан 7,3 процент бўлади. 1952 йилда ялпи маҳсулот ўсишининг бир процента (майда ёрдамчи саноатни қўшиб ҳисобламаганда) 5 миллиард сўм эди, 1959 йилда салкам 11 миллиард сўмдан зиёдроқ бўлади, 1965 йилда эса, 19 миллиард сўмдан ошиб кетади. Шу етти йилликда саноат маҳсулотининг ўртача йиллик ўсиши олдинги етти йилдаги 90 миллиард сўм ўрнига салкам 135 миллиард сўм бўлади.

Саноатдаги энг муҳим тармоқларнинг ривожланиши қуйидаги рақамлар билан белгиланади:

А. ОҒИР ИНДУСТРИЯ

1. Қора металлургия. Қора металлургияни ва хусусан унинг темир-руда базасини тез ривожлантириш кўзда тутилган.

1965 йилда 65-70 миллион тонна, ёки 1958 йилдагидан 64-77 процент кўпроқ чўян, 86-91 миллион тонна, ёки 57-66 процент кўпроқ пўлат эритиш, 65-70 миллион тонна, ёки 53-63 процент кўпроқ прокат ишлаб чиқариш, 150-160 миллион тонна товар темир-руда (230-245 миллион тонна хом руда) чиқарилсин. 1959-1965 йилларда чўян эритишнинг ўртача йиллик ўсиши 1952-1958 йиллардаги 2,5 миллион тонна ўрнига 3,6-4,4 миллион тонна, пўлат эритишда 1952-1958 йиллардаги 3,4 миллион тонна ўрнига 4,4-5,1 миллион тонна, прокат ишлаб чиқаришда 2,7 миллион тонна ўрнига 3,2-3,9 миллион тонна ва темир-руда (товар) чиқаришда 6,3 миллион тонна ўрнига 8,7-10,2 миллион тонна бўлсин.

Металл прокатнинг сифатини яхшилаш учун дегирли ва паст легирли пўлат ишлаб чиқариш анча кўпайтирилсин. Электр ёрдами билан пўлат эритиш 1,7-2 баравар ортади, тахта пўлат ишлаб чиқариш тахминан 2 марта кўпайиши керак. Прокат ва трубаларнинг хиллари кўпайтирилади; прокатнинг тежамли енгил ва периодик турларини ишлаб чиқариш кўпайтирилади; тахта пўлат ва ленталардан эгиладиган профиллар ишлаб чиқариш вужудга келтирилади. Пўлат ишлаб чиқариш процессларида вакуумни кенг қўлланиш, металл прокатни термик ишлашни ва бошқа прогрессив методларни кенг қўлланиш уюштирилади.

Қора металлургиянинг ривожланишини темир-руда билан таъминлаш учун мавжуд конларда темир руда чиқаришни анча кўпайтириш билан бирга, янги темир-руда конларини асосан очиқ кон ишлари йўли билан ўзлаштириш ва кучли кон саралаш комбинатлари қуриш кўзда тутилади. Домна печларининг унумдорлигини ошириш мақсадида товар рудаларни кўпроқ саралаш ҳисобига темир моддасини кўпайтириш керак.

1952-1958 йилларда олинган 16,3 миллион тонна чўян ўрнига 1959-1965 йилларда 24-30 миллион тонна чўян эритиладиган, 12,4 миллион тонна пўлат ўрнига 28-36 миллион тонна пўлат эритиладиган, 6,9 миллион тонна прокат ўрнига 23-29 миллион тонна прокат чиқарадиган янги ишлаб чиқариш қувватлари қурилсин ва ишга туширилсин.

СССР қора металлургиясининг техника даражаси анча ўсади. 1959-1965 йилларда ҳозирги замон техникаси билан таъминланган механикалаштирилган ва автоматлаштирилган кучли металлургия агрегатлари қурилсин. Ишлаб чиқариш технология процессининг узлуксиз бўлишини ва маҳсулотнинг сифатини контроль қилишни, ишлаб чиқариш операцияларини механизациялаштириш ва автоматлаштиришни таъминлайдиган ва гоят серунум прокат ҳамда труба станларини ва пардозлаш агрегатларини ўрнатиш, кокс-кимё, ўтга чидамли, ферросплав ва метиз ишлаб чиқаришни анча кенг миқёсда комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштириш мўлжалланади. Гоят самарали янги технология процесслари янада такомиллаштирилади ва кўпроқ жорий қилинади.

2. Рангли металлургия. Алюминий ишлаб чиқаришни 1958 йилдагидан 2,8-3 баравар, тоза мис ишлаб чиқаришни 1,9 баравар кўпайтириш кўзда тутилсин. Никель, магний, титан, германий, кремний ишлаб чиқариш анча кўпайтирилади. Бошқа рангли металлар ва хусусан, нодир металлар ишлаб чиқариш ҳам кўпайтирилади.

Алюминий саноати тез суръатлар билан ривожланади. Алюминий олиш учун чексиз хомашё ресурслари борлиги, ана шу металлни ишлаб чиқариш учун қулай шароитлар мавжудлиги ва унинг юксак конструктив хусусиятлари алюминийдан машинасозликда, автомобиль ва тракторсозликда, транспорт машинасозлигида, кемасозликда, қурилишда, халқ истеъмоли товарларни ишлаб чиқаришда кенг фойдаланиш имконини беради. Красноярск ўлкасида жуда кўп нефелин запаслари базасида кучли алюминий саноатини вужудга келтириш ва арзон цемент ҳамда сода маҳсулотлари олиш кўзда тутилади. Бу ўлкадаги арзон кўмир ва Красноярск гидроэлектростанциясининг электр қувватидан фойдаланиш имкониятлари энг арзон алюминий ҳосил қилишни таъминлайди.

Рангли металлургиянинг кон руда хўжалигини ривожлантиришга катта эътибор берилади. Етти йилликда очиқ усул билан руда чиқариш ҳажми 2,8 баравардан зиёд ортади ва 1965 йилда қазиб чиқариладиган ҳамма руданинг 65 процентини ташкил қилади.

Олмос конларининг топилганлиги СССРда олмос чиқариладиган йирик саноатни ташкил этиш учун мустаҳкам хомашё базасини вужудга келтирди. 1965 йилда Ватанимизда ишлаб чиқариладиган олмос 1958 йилдагидан тахминан 15-16 баравар ортади. Бу эса машинасозликда, геология қидириш ишларида ва кон ишларида техникавий олмослан кенг фойдаланиш имконини беради.

Рангли металлургия технология процессларини тобора электрлаштириш, янги прогрессив технология схемаларини ўзлаштириш асосида, ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштиришни кенг жорий қилиш асосида ривожланади.

3. Кимё саноати. Кимё саноатини тез ривожлантириш кўзда тутилсин. Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми тахминан 3 баравар оширилсин. Синтетик материаллар ишлаб чиқариш кенг ривожлантирилиши лозим: сунъий тола ишлаб чиқариш 4 баравар, уларнинг энг қимматлиси бўлган синтетик тола ишлаб чиқариш 12-13 баравар, пластмассалар ва синтетик смола ишлаб чиқариш эса 7 баравардан зиёд ортади.

Полимер материаллар ишлаб чиқариш янги хомашё базасида ривожланиши лозим. Нефть билан бирга чиқадиган газлардан ва табиий газлардан фойдаланиш асосида синтетик материаллар ишлаб чиқаралиган кучли ва ҳар томонлама ривожланган саноатни вужудга келтириш кўзда тутилади. Синтетик каучук ишлаб чиқаришда илгари қўлланилган спирт ўрнига нефть билан бирга чиқадиган газлардан фойдаланиш шу етти йилликда салкам 1 миллиард 300 миллион сўм капитал маблағни тежаш имконини беради. Азотли ўғит ишлаб чиқариш асосан табиий газлардан фойдаланишга таянади. Бу эса салкам 4 миллиард сўм капитал маблағни тежаш имконини беради.

Синтетик материалларнинг янги турларини кенг миқёсда ишлаб чиқариш халқ истеъмоли учун керакли юқори сифатли ва арзон буюмлар ишлаб чиқаришни кескин суратда ошириш, шунингдек, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида техника даражасини ва экономикани юксалтириш имконини беради. Ана шу материаллардан қурилишда, хусусан, уй-жой қурилишида ва мебеллар ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун катта имкониятлар очилади.

Минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни тахминан 3 баравар ошириш, кимё маҳсулотлари хилларини анча кўпайтириш кўзда тутилади. Концентрлашган минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандалари ва касалликларига қарши курашиш учун энг самарали фосфор—органик препаратлар ишлаб чиқариш, шунингдек ёввойи ўтларга қарши курашишнинг кимёвий воситаларини ишлаб чиқариш кўпайтирилади.

Етти йил ичида 140 дан кўпроқ энг йирик кимё корхонаси янгидан қурилиши ёки қурилиб тамомланиши ҳамда 130 дан кўпроқ корхона реконструкция қилиниши керак. Нефть билан бирга чиқадиган газларни, табиий газларни, нефть тозалаш заводларида чиқадиган газларни ва хомашёнинг бошқа турларини комплекс асосда қайта ишлайдиган комбинациялаштирилган йирик корхоналарни қуриш кўзда тутилади.

Кимё саноати янги корхоналари қурилиши ва мавжуд корхоналарни реконструкциялаш мамлакатимизнинг фан ва техника ютуқларидан ҳамда чет эл тажрибасидан кенг фойдаланиш асосида амалга оширилади.

4. Ёқилғи саноати. Мамлакатнинг ёқилғи баланси структурасини янада яхшилаш учун нефть ва газ саноатини устун даражада ривожлантириш таъминлансин. Бунда шу нарса кўзда тутиладики, нефть ва газ саноати моторлар ва коммунал-маиший эҳтиёжлар учунгина эмас, балки саноат корхоналари, электростанциялар учун ҳам, темир йўл ва сув транспорти учун ҳам ёқилғи бериши керак.

Ёқилғи ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида нефть ва газнинг ҳиссаси ҳозирги 31 процентдан 1965 йилда 51 процентгача етади, кўмирнинг ҳиссаси эса 60 процентдан 43 процентгача камаяди.

Кимё саноатида технология ва энергетика ёқилғиси ҳамда хомашё сифатида нефть ва газдан кўпроқ фойдаланиш мамлакатнинг ёқилғи ва хомашё ресурсларидан фойдаланишни анча яхшилашга, иқтисодий меҳнатни кўпроқ тежашга имкон беради.

Нефть саноатида 1965 йилда нефть чиқаришни 230-240 миллион тоннага етказилсин, ёки 1958 йилдагига нисбатан 2 баравардан зиёд кўпайтирилсин. Нефть чиқаришнинг ўртача йиллик ўсиши 1951-1955 йиллардаги 6,6 миллион тонна ўрнига ва 1956-1958 йиллардаги 14,1 миллион тонна ўрнига 16,7-18,1 миллион тонна бўлади.

Маблағларни энг кам сарф қилиб, запаслардан тўлароқ фойдаланиш ва нефть чиқариш юксасидан белгиланган даражага эришиш учун пармалаш тезлигини янада ошириш ҳамда разведка ва эксплуатацион пармалаш ишларида бир метр жойни қазиб ўтиш қийматини камайтириш мўлжалланади. Нефтни қайта ишлаш юксасидан 1959-1965 йиллар учун мўлжалланган ҳажмлар халқ хўжалигининг нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўла таъминлайди, автомобиль бензинлари, дизель ёқилғиси ва машина мойининг сифатини ҳамда ишлатиш хусусиятларини анча яхшилайди.

1959-1965 йилларда ишлаб чиқариш қувватлари нефтни дастлабки қайта ишлашда 2,2-2,3 баравар, каталитик крекинг усулида 4,7 баравар, каталитик риформинг усулида 16-18 баравар, машина мойи ишлаб чиқаришда 2 баравар ортади.

Газ саноатида 1965 йилда қазиб чиқариладиган ва ишлаб чиқариладиган газни 1958 йилдаги 30 миллиард кубометр ўрнига 150 миллиард кубометрга етказиш, ёки 5 баравар кўпайтириш кўзда тутилади.

Кимё хомашёси сифатида газга бўлган ҳамма эҳтиёжлар, шунингдек аҳолининг коммунал-маиший эҳтиёжлари тўла қондирилгани ҳолда барча газ ресурсларининг 80 процентидан кўпроғидан саноатда фойдаланиш мўлжалланди.

Етти йил ичида тахминан 26 минг километр магистрал газ қувурлари ва ана шу магистрал газ қувурларидан шаҳарларга ўтказиладиган қувурлар ётқизилади.

Нефть ва газ саноатида нефть ва газ конларидаги, нефтни қайта ишлаш заводларидаги ҳамда барча магистрал нефть қувурлари, продуктопроводлар ва газопроводлардаги асосий технология процесслари кенг миқёсда автоматлаштирилади ва узоқдан бошқарилади.

Кўмир саноатида 1965 йилда кўмир чиқаришни 600-612 миллион тоннага етказиш ёки 1958 йилдагидан 21-23 процент ошириш кўзда тутилади. Шу билан бирга мамлакатнинг шарқий районларида (Ураллдан ташқари) энг тежамли кўмир чиқариш 40-45 процентга ортади. Коксланувчи кўмир чиқариш 59-65 процент кўпаяди ва 1965 йилда 150-156 миллион тоннага етади.

Кўмир чиқаришни кўпайтириш юзасидан белгиланган тоғ-шириқнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида етти йил ичида ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш билан бирга 200-220 миллион тонна миқдорида кўмир чиқарадиган кўмир шахталари ва разрезларни ишга туширилсин, коксланувчи кўмир чиқариладиган янги шахталарни биринчи навбатда қуриш кўзда тутилади. Шу билан бирга одатда юксакроқ техникавий-иқтисодий кўрсаткичлари бўлган йирик шахталар ва разрезлар қурилиши лозим.

Шу етти йилликда энг самарали очиқ ва гидравлик усулда кўмир чиқариш янада ривожлантирилади. Кўмирнинг сифатини яхшилашга, уни кўпроқ саралашга алоҳида эътибор берилиши лозим.

Шахтёрларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, ишнинг техникавий-иқтисодий кўрсаткичларини анча ошириш ва биринчи галда меҳнат унумдорлигини ошириш кўмирнинг таннархини камайтириш—кўмир саноатидаги энг муҳим вазифадир.

Мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини янада тез ривожлантириш ва халқ хўжалигининг лойиҳада кўрсатилган ўсишини минерал-хомашё ресурслари билан таъминлаш мақсадида **геология-қидирув ишлари**нинг умумий ҳажмини тахминан 67 процент кўпайтириш мўлжалланади.

Даставвал нефть ва газ соҳасида геология-қидирув ишларини кескин суратда кучайтириш, шунингдек ўзлаштирилиши иқтисодий жиҳатдан энг қулай бўлган жойлардаги қора ва рангли металлар рудаси кўп ва саралаш осон бўлган конларни қидириб топиш соҳасидаги ишларни кучайтириш ва бунда янги корхоналарни мақсадга жуда мувофиқ қилиб жойлаштиришни ҳисобга олиш кўзда тутилади.

Геология-қидирув ишларининг энг мукаммал усулларини, янги кон пармалаш техникасини ва геофизика аппаратларини қўлланиш йўли билан геология-қидирув ишларининг иқтисодий жиҳатдан кўпроқ самарали бўлишига алоҳида эътибор берилади.

5. Электрлаштириш. Шу етти йиллик Ленининг мамлакатни ёппасига электрлаштириш ҳақидаги ғоясини амалга оширишда ҳал қилувчи босқич бўлади.

1965 йилда мамлакатда ишлаб чиқариладиган электр қуввати 500-520 миллиард киловатт-соатга етади, яъни 2,1-2,2 баравар кўпайтирилади; электростанцияларнинг белгиланган қуввати 2 баравардан зиёд ортади.

Етти йиллик мобайнида саноатни янада электрлаштириш билан бир қаторда тахминан 20 минг километр узунликдаги темир йўл, шунингдек барча совхозлар, ремонт-техника станциялари, колхозлар ва ишчи посёлкалари электрлаштирилади.

1959-1965 йилларда СССР электроэнергетикасини ривожлантириш соҳасидаги асосий йўл сифатида арзон кўмир, табиий газ ва мазут базасида ёқилғи билан ишлайдиган электростанциялар қуриш, электр шохобчаларини тез ривожлантириш ва СССРнинг ягона энергетика системасини вужудга келтириш соҳасидаги ишларни изчиллик билан амалга ошириш кўзда тутилади. Бу эса капитал маблағларни камроқ сарф қилган ҳолда ва юксак техника негизида мамлакатнинг энергетикасини тез суръатлар билан ривожлантиришни таъминлайди.

Етти йилликнинг охирига келганда теплотурбина электростанцияларининг белгиланган қуввати 2,4 баравар ортади. Турбина электростанцияларида ишга тушириладиган 58-60 миллион киловатт қувват берадиган янги агрегатларнинг 47-50 миллион киловатти асосан ҳар бири 1 миллион киловатт ва бундан кўпроқ қувват берадиган йирик конденсацион станциялар қуриш йўли билан ёқилғида ишлайдиган электростанцияларда ҳосил қилинади. Ана шу станцияларда блок схемаси бўйича (қозон-турбина) 100, 150, 200 ва 300 минг киловатт қувват берадиган агрегатлар ўрнатилади. Бу эса қурилишни анча тезлатиш ва арзонлаштириш имконини беради.

Ёқилғи билан ишлайдиган электростанциялар қувватининг йириклаштирилиши ва уларнинг кўпида газ ва мазутдан кенг фойдаланиш 1959-1965 йилларда қуриладиган барча конденсацион электростанцияларда белгиланган қувват бир киловаттининг сметада кўрсатилган қимматини 1958 йилдагига нисбатан ўрта ҳисобда 23 процент камайтириш имконини беради.

Етти йилликда гидроэнергетика қурилишига сарфланадиган капитал маблағларни камайтириш ҳисобига ёқилғи билан ишлайдиган электростанцияларни кўпроқ қуриш йўли билан электростанцияларда ишга туширилиадиган қувватни тахминан 10 миллион киловатт ошириш мумкин бўлади. Аввалги йилларда ёқилғида ишлайдиган электростанциялар билан гидравлик электростанцияларнинг қуввати ўртасидаги таносиб сақлаб қолинганида ишга туширилиши мўлжалланган қувватларни ё қисқартишга, ёки энергетикани ривожлантириш учун сарф қилинадиган капитал маблағларни 20 миллиард сўмдан зиёд миқдорда кўпайтиришга тўғри келар эди.

Ёқилғида ишлайдиган катта электростанцияларни ишга туширишда бир қаторда Сталинград, Братск, Кременчуг, Воткинск, Бухтарма ва бошқа бир қанча гидроэлектростанциялар қурилишини тугаллаш ҳам кўзда тутилади. Асосан, етарли миқдорда арзон ёқилғи ресурслари бўлмаган районларда бир неча янги гидроэлектростанциялар қура бошлаш ҳам кўзда тутилди.

Етти йил ичида СССРнинг Европа қисми ва Марказий Сибирнинг ягона энергетика системалари, шунингдек Ғарби-Шимол ва Ғарб, Закавказье, Қозоғистон ҳамда Ўрта Осиё районларида бирлаштирилган энергетика системалари вужудга келтирилади. 35-500 киловольт кучланишли электр шохобчаларининг узунлигини 3 баравардан зиёд кўпайтириш кўзда тутилади. Бу эса мамлакатнинг шаҳарлари, саноат ва қишлоқ районларини марказлаштирган тартибда кенг миқёсда электр қуввати билан таъминлаш, қимматга тушадиган ва тежамли бўлмаган майда электростанциялар қурилишини камайтириш имконини беради. Колхозларнинг маблағларини жалб этиш йўли билан колхозлараро ва районлараро электростанциялар қурилишини ривожлантириш вазифаси қўйилади. Саноат корхоналари ва шаҳарларни иситишни янада ривожлантириш мўлжалланади.

Етти йил ичида атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида катта тадбирлар амалга оширилсин. Турли типдаги реакторлар ишлайдиган бир қанча атом электростанциялари ишга туширилсин.

6. Машинасозлик. Машинасозликни ривожлантиришнинг юксак суръатлари корхоналарни янги машина-ускуналар билан таъминлаши ва ишлаб чиқариш технологиясини тубдан яхшилаши керак. Бу эса меҳнат унумдорлигини оширишнинг ҳал қилувчи омили бўлади, иш шароитини енгиллаштиради ва иш кунини тобора қисқартиш имконини беради.

Мамлакатни электрлаштиришнинг энг муҳим техникавий базаси бўлган электротехника саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади. Фан ва практика ютуқлари асосида электр машиналар, ускуналар, аппаратлар ва кабель буюмлари ҳамда электр изоляцияси материалларининг техникавий даражасини ва сифатини кескин ошириш ва халқ хўжалигидаги барча тармоқларнинг ҳамда меҳнаткашларнинг уларга бўлган эҳтиёжини қондириш кўзда тутилади.

Электрон техника воситаларини қўлланиб, ишлаб чиқаришни автоматик бошқаришга ва комплекс механизациялаштиришга ўтиш ҳозирги замондаги техника тараққиётининг энг характерли хусусияти бўлиб, янги машиналар конструкциясини вужудга келтиришда асосий йўл бўлмоғи керак.

Машинасозлик 1959-1965 йилларда:

— халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун ва биринчи галда қора ва рангли металлургия, кимё саноати, энергетика ва қурилиш учун энг янги машина-ускуналар — экскаваторлар, прокат станлари, оғир пресслар тайёрлашни, шунингдек кўп меҳнат талаб этадиган оғир ишларни тобора механизациялаштириш учун керакли машина ва асбоблар комплексини тайёрлашни ҳамда саноатда, транспортда ва қишлоқ хўжалигида автоматлаштиришни кенг жорий қилишни;

— фан ва техниканинг сўнгги ютуқлари ва кашфиётларидан, хусусан радиоэлектроника, ўта ўтказувчанлик, ультратовуш, радиоактив изотоплар, чала ўтказгичлар, ядро энергиясидан ва шу сингарилардан фойдаланиш базасида машиналар вужудга келтириш ва ишлаб чиқаришни;

— тайёрланадиган машина ва ускуналарнинг техникавий-иқтисодий хусусиятлари ва кўрсаткичларини; уларнинг фойдали иш коэффициентини, унумдорлигини, уларнинг вазнини анча камайтирган ҳолда мустаҳкамлигини ошириш;

— яхшиланган ва махсус хусусият ҳамда ҳоссаларга эга бўлган материаллардан, чунончи зангламайдиган ва ўтга бардош берадиган металлар, енгил қотишмалар, пластмассалар, чала ўтказгичлар, ферромагнит материаллар ва бошқа материаллардан кенгроқ фойдаланишни;

— корхоналарни интенсивлаштириш ва кооперативдаштиришни янада ривожлантиришни;

— машина-ускуналар ишлаб чиқаришда материалларни тежаш тадбирларини амалга оширишни;

— машина-ускуналарни кенг миқёсда алмаштириб туриш ва модернизация қилиш йўли билан машинасозлик корхоналарини қайта қуроллантириш ва ишлаб чиқариш технологиясини тубдан яхшилаш, шунингдек асосий ишларнигина эмас, балки ёрдамчи ишларни ҳам, аввало қуйиш ва темирчилик-пресс корхоналаридаги ёрдамчи ишларни ҳам механизациялаштириш ва автоматлаштиришни анча кенгайтириш, камида 1300 автоматик линияни ишга туширишни, махсус ва кўп позицияли станоклар ишлаб чиқаришни ва автоматик бошқариладиган станокларни, штамповка ва чеканка пресларини, босим билан аниқ қуйиш учун керакли машиналарни, кокилга, қобиқли қолипга ва эритиладиган моделларда қуйиш учун керакли машиналар ишлаб чиқаришни ривожлантиришни таъминлаш керак.

Етти йил ичида машинасозлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва металл ишлашни тахминан 2 баравар кўпайтириш мўлжалланади. Оғир машинасозлик, асбобсозлик, радиоэлектроника, электротехника, станоксозлик каби саноат тармоқлари ғоят тез суръатлар билан ривожлантирилади.

Машина ва приборларнинг энг муҳим турларини қуйидаги миқдорларда ишлаб чиқариш мўлжалланади:

	1965 йил	1958 йилга нисбатан ўсиш
Металл қирқиш станоклари — минг дона	190—200	1,4—1,5 баравар
шу жумладан махсус, ихтисослаштирилган ва агрегатли станоклар — минг дона	38	2 баравар
темирчилик-пресс машиналари — минг дона	36,2	тахминан 1,5 баравар
автомат ва ярим автомат линиялар—комплект	280—300	2,1—2,3 баравар
приборлар — миллиард сўмлик	18,5—19,2	2,5—2,6 баравар
шу жумладан, ҳисоб ва математика машиналари — миллиард сўмлик	2,0—2,1	4,5—4,7 баравар
турбиналар — миллион квт	18,7—20,4	2,8—3,1 баравар
турбиналарнинг генераторлари — миллион квт	17,5—18,4	3,4—3,5 баравар
ўзгарувчи ток электродвигателлари — миллион квт	32—34	2,2—2,3 баравар
прокат ускунаси — минг тонна	200—220	2,3—2,6 баравар
кимё ускунаси — миллиард сўмлик	3,5—3,7	3,2—3,4 баравар
тўқимачилик саноати учун технология ускунаси — миллиард сўмлик	2,5	2,2 баравар
озиқ-овқат ва тегирмон-элеватор саноати учун технология ускунаси — миллиард сўмлик	3,8—4,1	2,1—2,3 баравар
автомобиллар — минг дона	750—856	1,5—1,7 баравар
магистрал электровоз ва тепловозлар — дона	2550—2.700	2,4—2,6 баравар
миллион от кучи ҳисобида	8,4—9,0	2,9—3,1 баравар
цемент саноати учун технология ускунаси — минг тонна	180—220	2,5—3,1 баравар
қуйиш корхонаси учун технология ускунаси — миллион сўмлик	360—410	2,3—2,6 баравар

Машинасозликни ривожлантириш учун ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперативлаштиришни анча юксалтириш, эски машина ускуналарни алмаштириш ва модернизация қилиш ҳамда аввало автоматлаштиришни кенг жорий қилиш базасида технология процессларини тубдан яхшилаш талаб этилади. Бу тадбирлар янги заводлар қурмаган ҳолда турбина, генератор, буғ қозонлари, тракторлар, тепловозлар, электровозлар ва бошқа машиналар ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш имконини беради.

Етти йил ичида машинасозлик соҳасида қора металлар прокати ишлатиш салмоғини ўрта ҳисобда камида 25 процент камайтириш кўзда тутилади. Кабель саноатида алюминий ва пластмассалардан кенгроқ фойдаланиш натижасида етти йил ичида давлатнинг 10 миллиард сўмга яқин маблағи тежалади ва 400 минг тоннадан кўпроқ кўргошин ҳамда 400 минг тоннадан кўпроқ мис тежалади.

7. Ўрмончилик, қоғоз ва ёғочсозлик саноати. Ўрмон, қоғоз ва ёғочсозлик саноатида маҳсулот ишлаб чиқаришни анча ўстириш кўзда тутилсин. Қоғоз ва картон, қипиқ ва пайраҳалардан плиталар, стандарт уйлар, мебеллар, фанерлар ва деталлар ишлаб чиқариш кўп даражада ортади. Ёғочдан яхши фойдаланиш ва уни ишланмаган ҳолда ташишни анча қисқартиш учун ёғоч тайёрланадиган районларда ғўлани қайта ишлаш кўзда тутилади.

Ёғоч тайёрловчи майда муассасаларни ҳисобга олмаганда, ёғоч ташишнинг умумий ҳажми 1958 йилдаги 319 миллион кубометрдан 1965 йилда 372-378 миллион кубометргача ортади. Иморатбоп ёғоч ташиш ҳажми 275-280 миллион кубометргача кўпаяди.

Планлаштирилган ёғоч саноатида тахта тилиш ҳажмини 1958 йилдаги 68,6 миллион кубометрдан 1965 йилда 92-95 миллион кубометрга етказиш мўлжалланади. Шу билан бирга Шимол ва Сибирнинг кўп ўрмонли районларида тахта тилиш 1,8 баравар кўпайтирилади.

Якин йиллар ичида йигма стандарт уйлар ва деворлари маҳаллий бинокорлик материалларидан қуриладиган уйлар учун керакли деталлар комплектлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш мўлжалланади. 1965 йилда 18 миллиард сўмлик ёки 1958 йилдагидан 2,4 баравар кўп мебель ишлаб чиқариш, мебелларнинг сифатини яхшилаш кўзда тутилади.

Саноатнинг целлюлоза-қоғоз, ёғоч кимёси ва гидролиз соҳалари анча ривожланиши лозим. 1965 йилда тахминан 4,8 миллион тонна ёки 1958 йилдагидан 2,3 баравар кўп целлюлоза ишлаб чиқариш мўлжалланади. Саноатнинг сунъий толага бўлган эҳтиёжларини таъминлаш учун сунъий целлюлоза ишлаб чиқариш 1965 йилда 580 минг тонна, ёки 4,5 баравар кўпайтирилади.

1965 йилда 3,5 миллион тонна миқдорида, ёки 1958 йилдагидан 1,6 баравар кўп қоғоз, тахминан 2,8 миллион тонна, ёки 1958 йилдагидан 4 баравар кўп картон ишлаб чиқарилади. Ящик қилинадиган картон ишлаб чиқариш айниқса ривожлантирилади — 1958 йилда ишлаб чиқарилган 70 минг тонна ўрнига 1965 йилда 1.500 минг тоннача картон тайёрланади. Газета қоғози ишлаб чиқаришни 1,8 баравар кўпайтириш кўзда тутилсин. Озиқ-овқат саноатининг эҳтиёжлари учун қоғоз ишлаб чиқариш кўпайтирилсин.

Б. ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ ТОВАРЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Оғир индустрия тараққиётининг юксак даражага эришганлиги ва қишлоқ хўжалигини кескин даражада юксалтириш юзасидан партия белгилаган тадбирларнинг муваффақиятли амалга оширилаётганлиги асосида мамлакатимизда енгил ва озиқ-овқат саноати узлуксиз ўсмоқда, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш кўпайиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда бизда саноат ва озиқ-овқат товарларини, шунингдек уй-рўзғор жиҳозларини ишлаб чиқаришни яқин йиллар ичида янада ошириш ва бунинг натижасида совет кишиларининг тўхтовсиз ўсиб бораётган модий ва маданий эҳтиёжларини тўла қондириш вазифасини ҳал этиш йўлида олга қараб анча катта қадам қўйиш учун шарт-шароит вужудга келтирилди. Етти йиллик мобайнида аҳолининг газлама, кийим-кечак, пойафзал ва бошқа товарларга бўлган эҳтиёжларини етарли даражада таъминлаш кўзда тутилади.

8. Енгил саноат. Енгил саноатнинг ялпи маҳсулоти етти йиллик мобайнида тахминан 1,5 баравар кўпайиши керак. Енгил саноат маҳсулотининг асосий турларини ишлаб чиқариш натура шаклида қуйидаги миқдорларда белгилансин:

	1958 йил	1965 йил	1965 йилда 1958 йилга қараганда процент ҳисобида
Ип-газлама — миллиард метр	5,8	7,7—8,0	133—138
Жун газлама — миллион метр	303	500	165
Зиғир толасидан ишланган газлама — миллион метр	481	635	132
Шойи газлама — миллион метр	845	1.485	176
Пайпоқ—миллион жуфт	887	1.250	141
Ички трикотаж кийим — миллион дона	398	780	196
Устки трикотаж кийим — миллион дона	97	160	165
Чарм пойафзал — миллион жуфт	356	515	1[illegible]

(ДАВОМИ ТУРТИНЧИ БЕТДА)

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ

НАВБАТДАН ТАШҚАРИ XXI СЪЕЗДИ

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА)

Газлама, кийим-кечак ва пойафзалнинг хилларини янада кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳам кўзда тутилади. Паст сифатли йигирилган ипдан пайпоқ ва бошқа трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш қатъиян тақиқланиши лозим. Аҳоли энг кўп талаб этадиган газламаларни ишлаб чиқариш анча кўпайтирилади: пахмоқ газлама ишлаб чиқариш тахминан 3,5 баравар, трико ишлаб чиқариш 1,8 баравар, чит ишлаб чиқариш 1,6 баравар кўпайтирилади, штапель толадан юқори сифатли камволь газлама кўп миқдорда ишлаб чиқарилади.

Халқ истеъмоли товарлари табиий хомашёни кўп олиш, шунингдек сунъий ва синтетик материалларни қайта ишлаш йўли билан кўпайтирилади.

Газлама, кийим-кечак ва пойафзал ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан белгиланган суръатлар етти йилликнинг охирига келганда ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми жиҳатидан ҳам, аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш жиҳатидан ҳам СССРни АҚШ даражасига яқинлаштириш имконини беради.

1959-1965 йилларда енгил саноатнинг тахминан 156та янги йирик корхонасини қуриш кўзда тутилади ва 1959 йилгача қурила бошланган 114 та корхона қурилиб тамомланади; 1952-1958 йиллардагига нисбатан 3,7 баравар кўп йигирув урчуғи, 3 баравар кўп тўқув станоги ишга туширилади, пойафзал ишлаб чиқариш қуввати 2 баравардан зиёд оширилади.

Янги корхоналар қуриш билан бирга ишлаб турган корхоналарнинг анчаси реконструкция қилинади, кам унум берадиган эски машина-ускуналар кўп унум берадиган янги, замонавий машина-ускуналар билан алмаштирилади.

9. **Озиқ-овқат саноати.** Етти йилликда озиқ-овқат саноатининг ялпи маҳсулоти 1,7 баравар ортиши керак. Озиқ-овқат саноати маҳсулотининг энг муҳим турларини қуйидаги миқдорларда ишлаб чиқариш белгилансин:

	1958 йил	1965 йил	1965 йилда 1958 йилга нисбатан процент ҳисобида
гўшт. шу жумладан, давлат хомашё ресурсларидан 1-категорияли субпродуктларни ҳам қўшганда — минг тонна	2863	6.130	214
давлат хомашё ресурсларидан мол ёғи—минг тонна	638	1.006	158
қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари сут ҳисобида — миллион тонна	6,0	13,5	223
шакар (қанд лавлагидан) — минг тонна	5256	9.250—10.000	176—190
давлат хомашё ресурсларидан ўсимлик мойи—минг тонна	1.225	1.975	161
балиқ овлаш—миллион тонна	2,9	4,6	160
этиль спирти—миллион декалитр	163,3	202,8	124
шу жумладан, озуқа хомашёсидан — миллион декалитр	115,6	100	87

Аҳоли жон бошига бир қанча энг муҳим озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш даражаси жиҳатидан СССР энг тараққий этган капиталистик мамлакатларга етиб олади ва улардан ўзиб ҳам кетади.

Ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш билан бирга озиқ-овқат маҳсулотларининг лаззати ва тўқ тутадиган хусусиятларини янада ошириш, товарларни ўрашни анча яхшилаш, ярим фабрикатлар, ошхоналарда тайёрланадиган овқатларни, болалар овқати ва парҳиздагилар овқати маҳсулотларини анча кўпайтириш, қоғозга ўралган товарларни кўпроқ тайёрлаш юзасидан зарур чоралар кўриш мўлжалланади.

Етти йил мобайнида гўштдан турли маҳсулотлар ишловчи 250 га яқин корхона, сутдан турли маҳсулотлар ишловчи 1000 дан кўп корхона, 200 дан кўпроқ консерва заводи ва бошқа корхоналар ишга туширилиши лозим. Қанд заводлари қуввати бир кечаю-кундузда 3,2 миллион центнер лавлагини қайта ишлаш даражасига етади, ёки 2 баравардан зиёд ортади. Очиқ денгиз ва океанларда янги ов қилиш районларини ўзлаштириш, ҳовузлар, кўл-дарёлардан ва мамлакатда вужудга келтирилган сув омборларидан кенг фойдаланиш йўли билан балиқ овлашни кўпайтириш мўлжалланади.

Мавжуд корхоналарда ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланиш, корхоналарнинг бутун йил бўйи бир меёрда ишлашини таъминлаш, янги технология процесслариии жорий қилиш, ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш, хомашёдан комплекс фойдаланишни таъминлаш, тайёр маҳсулот чиқишини кўпайтириш, ишлаб чиқаришда нобудгарчилик ва чиқитларни камайтириш йўли билан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш мўлжалланади. Озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш учун холодильниклар ҳажми саноатда ва савдо-сотиқда икки баравардан зиёд кўпайтирилади.

Қишлоқ хўжалик хомашёларининг талайгина қисми давлатга қарашли озиқ-овқат саноати корхоналаридан бошқа жойларда қайта ишланаётганлигини назарда тутиб, нон ёпиш, колбаса ва гўшт ярим фабрикатлари, ёғ, пишлоқ, творог, сабзавот ва мева консервалари, крахмал ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш учун колхозлар, совхозлар ва матлубот кооперациясининг кучлари билан корхоналар қурилишини кенгайтириш зарур. Колхозларнинг даромадлари ортиб бораётганлиги ва уларда товар маҳсулоти ишлаб чиқариш кўпайиб бораётганлиги сабабли айрим колхозларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар қуриш билан бир қаторда колхозлараро консерва заводлари, нонвойхоналар, колбаса корхоналари ва гўшт, сут, сабзавот ҳамда мевадан турли маҳсулотлар тайёрлайдиган бошқа корхоналар қуриш учун бир неча колхознинг маблағларини қўшиб, улардан кўпроқ фойдаланиш йўлини тутиш керак. Бу чора ишлаб чиқаришнинг замонавий техникаси ва технологиясини қўлланиб, йирикроқ корхоналар қуриш имконини беради.

10. **Уй-рўзғор анжомлари ишлаб чиқариш.** Рўзғор учун зарур бўлган анжомлар, шунингдек, хотин-қизларнинг уй меҳнатини енгиллаштирадиган машина ва асбоблар ишлаб чиқариш икки баравар кўпайтирилсин ва 1965 йилда 88 миллиард сўмликкача ишлаб чиқарилсин. Мебеллар, тикув машиналари, холодильниклар, кир ювиш машиналари, идиш-товоқ ювадиган машиналар, радиоприёмниклар, радиола ва телевизорлар ишлаб чиқариш, соат, велосипед, мотоцикл ва моторроллерлар, фотоаппаратлар, рўзғор учун керакли электр приборлар ишлаб чиқариш анча кўпайтирилади.

Синтетик материаллар саноатини ривожлантириш базасида рўзғор ва хўжалик ишлари учун керакли буюмларни кўплаб ишлаб чиқариш уюштирилсин.

Маҳаллий саноат ва кооператив саноати корхоналари халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш ва меҳнаткашларга машиний хизматни яхшилаш соҳасида катта роль ўйнайдилар. Бу корхоналар маҳаллий хомашё манбаларидан кенг фойдаланишлари, ишлаб чиқариш техникаси ва технологиясини такомиллаштиришлари ва шу йўл билан ишлаб чиқариладиган товарларнинг хилларини кўпайтириб, сифатини кескин яхшилашлари лозим.

В. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КОМПЛЕКС МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ. САНОАТДА ИХТИСОСЛАШТИРИШ ВА КООПЕРАТИВЛАШТИРИШ

11. Ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштириш халқ хўжалигида техникани янада тараққий эттиришни ва шу асосда меҳнат унумдорлигини тагин ҳам юксалтиришни, маҳсулот таннархини камайтиришни ва унинг сифатини яхшилашни таъминлайдиган асосий, ҳал қилувчи воситалардир.

Ишлаб чиқариш процессларини автоматлаштириш ишлари саноатнинг ҳамма тармоқларида, транспортда ва алоқа корхоналарида олиб борилмоқда. Бизнинг саноатимиз автоматлаштиришни ривожлантиришда, биринчи навбатда, энергетикада, қора металлургия ва машинасозликда баъзи муваффақиятларга эришди. Ишни автоматик равишда тартибга солиб туришнинг ва олисдан бошқаришнинг айрим системалари кимё, нефть маҳсулотларини қайта ишлаш, кўмир саноатларида, енгил саноатда ва озиқ-овқат саноатида ҳамда бошқа бир қанча тармоқларда жорий қилинди.

Машинасозликда бутун иш вақтининг ярмига қадар бўлган қисми шу вақтгача қўл билан қилинадиган ишларга сарф бўлмоқда, шу сабабли, машинасозликда механизациялаштириш ва автоматлаштириш соҳасида катта ишлар қилиш зарур. Саноатнинг кўп тармоқларида ва қишлоқ хўжалигида транспорт ишларини ҳамда юк ортиш-юк бўшатиш ишларини механизациялаштириш лозим. Ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаштиришни тугаллаш яқин йиллардаги асосий вазифадир.

Айрим агрегатларни, установкаларни автоматлаштиришдан комплекс автоматлаштиришга, батамом автоматлаштирилган цехлар, технология процесслари ва корхоналар вужудга келтиришга ўтиш керак.

Ҳисоблаш техникасининг муваффақиятлари ишлаб чиқариш процессларини автоматлаштириш соҳасида кенг истиқболлар очиб бермоқда. Ишлаб чиқариш процессларини бошқариш учун замонавий ҳисоблаш машиналарини қўлланиш технология процессини автоматик тарзда танлаб олиб, энг қулай режимда олиб боришга имкон беради.

Саноатнинг ҳамма тармоқларида автоматлаштириш ишларининг умумий программасини бажариш билан бир қаторда элликдан кўпроқ тажриба-намуна корхоналари вужудга келтириш мўлжалланди, комплекс автоматлаштиришнинг энг янги схемалари шу корхоналарда амалга оширилади.

12. Саноатда ихтисослаштириш ва кооперативлаштиришга доир катта тадбирлар кўзда тутилсин:

— корхоналарни ихтисослаштириш зарурлигини ва кооперативлаштиришни яхшилаш, ўринсиз юк ташишларни тугатиш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда, табиий ресурслардан энг кўп самарали фойдаланиш асосида иқтисодий районларни янада комплекс ривожлантириш;

— ишлаб турган корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни анча яхшилаш;

— фақат саноатдагина эмас, шу билан бирга, халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида: транспортда, қурилишда, ремонт ишларида ва бошқа ишларда ҳам ихтисослаштиришни амалга ошириш.

Металл қуйиш ва штамповка технологиясини яхшилашга катта эътибор бериш ҳамда машинасозликда металлни аниқ қилиб қуйишни зўр бериб такомиллаштириш ва ривожлантириш зарур.

Машинасозликнинг тайёрлаш базасини ишлаб турган корхоналарни ихтисослаштиришни ва реконструкция қилишни яхшилаш ҳисобига ҳам, шунингдек, қуймалар, прокатлар ва штамповкалар ишлаб чиқарадиган 75-80 та ихтисослашган янги йирик цехлар ва заводлар қуриш ҳисобига ҳам янада ривожлантириб, 1965 йилда ихтисослаштирилган қувватларни: чўян қуйиш соҳасида 14,7 миллион тоннага, пўлат қуймалар соҳасида 4 миллион тоннага, поковкалар ишлаб чиқариш соҳасида 1,6 миллион тоннага ва штамповкалар ясаш соҳасида 3,8 миллион тоннага етказиш мўлжаллансин. Қуюв ускуналари ишлаб чиқарадиган ихтисослаштирилган заводларнинг қуввати 4 баравардан зиёдроқ кўпайтирилади. Аниқ қуймалар ясаб берадиган ускуналар ишлаб чиқаришни ташкил этиш кўзда тутилади.

Кўплаб қўлланиладиган маҳсулотлар — нормал редукторлар, металл ишлайдиган инструментлар, метизлар, электродлар, фитингслар, саноат арматураси ва бошқа буюмлар ишлаб чиқарадиган ихтисослаштирилган қувватларни анча кенгайтириш, шунингдек, буларни камроқ миқдорлари корхоналарда ишлаб чиқарадиган қилиш кўзда тутилсин.

Автомобилсозликда, тракторсозликда, қишлоқ хўжалик машинасозлигида, оғир машинасозликда, қурилиш-йўл машинасозлигида бир типдаги маҳсулотни энг кам миқдордаги заводларда ишлаб чиқаришни мақсадга мувофиқ равишда уюштириш ҳамда унификацияланган ва нормаллашган агрегатларни, узелларни ва деталларни катта-катта серияларда кўплаб ишлаб чиқариш методлари билан марказлаштирилган тартибда ясаб беришни ташкил қилиш кўзда тутилади. Турли деталлар ва буюмларнинг фасон профилларини Патон методи билан ишлаб чиқаришни ташкил этишни назарда тутиб, шу метод бўйича пайвандлаш (сварка) ишларини кенг миқёсда жорий қилишга доир катта тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилади. Бу эса, қуюв темирчилик ва металл ишлаш корхоналарида кам унумли ва меҳнатни кўп талаб қиладиган ишларни анча қисқартиришга имкон беради.

13. Шу етти йил мобайнида комплекс механизациялаш ва ишлаб чиқариш процессларини автоматлаштириш, таъдиқ-лаш ишларимизнинг, бутун совет халқининг фидокорона меҳнати ва ижодий ташаббускорлиги социалистик саноатни янада ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган жуда катта вазифаларини муваффақиятли бажаришнинг гаровидир.

(ДАВОМИ КЕЛГУСИ СОНДА).

Совет Иттифоқи билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш тўғрисида

СССР ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ўртасидаги ўзаро келишувга мувофиқ, Москвада иккала мамлакат ўртасида иқтисодий ва техника ҳамкорлигини янада кенгайтириш тўғрисида музокаралар олиб борилди.

Чинакам дўстлик, самимият ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган музокаралар давомида иккала томонни қизиқтираётган иқтисодий масалалар юзасидан кенг ва ҳар томонлама фикр олишилди.

Совет Иттифоқи ва Хитой Халқ Республикаси ҳукуматлари СССР билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида иқтисодий ва техника ҳамкорлигининг янада кенгайтирилиши Хитой Халқ Республикаси халқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида белгиланган улуғвор вазифаларни муваффақиятли амалга оширишга ёрдам беради ва социалистик лагерь мамлакатлари бирлигининг ҳамда қудратининг янада кўпроқ мустаҳкамланишига олиб келади, деб ҳисоблайдилар.

Муваффақият билан тугалланган музокаралар натижасида СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев ва Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгашининг Бош министри ўртоқ Чжоу Энлай Хитой Халқ Республикасини индустриалаштиришда Совет Иттифоқининг ёрдам бериши ҳақидаги мавжуд битимларга қўшимча суратда 1959-1967 йилларда Хитой Халқ Республикасида 78 та йирик металлургия, кимё, кўмир, нефть, машинасозлик, электротехника, радиотехника саноати корхоналари, бинокорлик материалари саноати корхоналари ва электростанциялар қурилишида ҳамкорлик қилиш тўғрисида 1959 йил 7 февралда Москвада янги битим имзоладилар.

Битимда кўзда тутилганича, совет ташкилотлари Совет Иттифокининг фан ва техника соҳасида эришган кейинги муваффақиятлари асосида тадқиқот ва лойиҳалаш ишларини бажарадилар, машина-ускуналар, приборлар ва баъзи махсус материалларни етказиб берадилар, шунингдек корхоналарни қуриш, монтаж қилиш, созлаш ва ишга туширишда техника ёрдами бериш учун зарур бўлган миқдорда совет мутахассисларини юборадилар ҳамда СССР нинг тегишли корхоналарида ишлаб чиқариш-техника таълими олиш учун хитой мутахассислари ва ишчиларини қабул қиладилар.

Хитой Халқ Республикасининг халқ хўжалигини ривожлантиришда ва айниқса машинасозлик саноатини ривожлантиришда ҳамда ўз малакали инженер-техник ходимларини тайёрлашда катта муваффақиятларга эришганлиги муносабати билан Хитой томони битимда кўзда тутилган корхоналар учун зарур машина-ускуналарнинг анча қисмининг тайёрланишини таъминлайди, шунингдек кўрсатилган корхоналардан бир қанчаси учун проект-қидирув ишларининг бажарилишини таъминлайди.

Бундан аввал тузилган битимлардаги каби бу битимда ҳам Совет томони ана шу корхоналарда ишлаб чиқариш кўзда тутиладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳуқуқи учун Хитой томонига текин лицензиялар беради, шунингдек тегишли ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш учун ҳамда битимда кўзда тутилган корхоналарга комплект машина-ускуналарни Хитой Халқ Республикасида тайёрлаш учун зарур техника ҳужжатларини топширади, деб кўзда тутилади.

Битимга мувофиқ етказиб бериладиган совет машина-ускуналари, проект ишлари ва бошқа хил техника ёрдамининг умумий қиммати қариб 5 миллиард сўмни ташкил этади. Хитой томони СССР дан етказиб бериладиган машина-ускуналар ва ҳамма турдаги техника ёрдамининг ҳақини амалдаги Совет-Хитой савдо битимидаги шартлар асосида СССР га товарлар етказиб бериш йўли билан тўлайди.

Совет Иттифоқи ва Хитой Халқ Республикаси ҳукуматлари имзоланган битимни иккала социалистик давлат ўртасида иккала томон учун ҳам манфаатли бўлган самарали иқтисодий ҳамкорликни ва қардошларча ўзаро ёрдамни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш ишида янги муҳим бўғин деб ҳисоблайдилар.

Битимни имзолаш вақтида қуйидагилар ҳозир бўлди:

Совет томонидан — А. Б. Аристов, А. И. Кириченко, Ф. Р. Козлов, А. И. Микоян, М. А. Суслов, А. Н. Косигин ўртоқлар, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва СССР Госпланининг раиси И. И. Кузьмин, СССР Министрлари И. Г. Кабанов ва Н. С. Патоличев, СССР Министрлар Советининг Ташқи иқтисодий алоқалар Давлат комитети раиси С. А. Скачков, СССР Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, СССР Министрлар Совети Ташқи иқтисодий алоқа Давлат комитети раисининг ўринбосари И. В. Архипов, СССР нинг Хитой Халқ Республикасидаги элчиси П. Ф. Юдин, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири Ю. В. Андропов, СССР Ташқи ишлар министрлигининг коллегия аъзоси, СССР Ташқи ишлар министрлиги Узоқ Шарқ бўлими мудири М. В. Зимянин, СССР Министрлар Совети Ташқи иқтисодий алоқа Давлат комитети шартнома-ҳуқуқ бошқармасининг бошлиғи В. Ф. Тепляков, СССР Министрлар Совети Ташқи иқтисодий алоқа Давлат комитети протокол бўлимининг бошлиғи Л. Н. Масько ва бошқалар;

Хитой томонидан — Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат Кан Шэн, Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитети секретариатининг аъзоси Ли Сюэ-фин, Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси Лю Нин-и, Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси, Хитой Халқ Республикасининг СССР даги элчиси Лю Сяо, Госплан раисининг ўринбосари Гу Чжосинь, Ташқи савдо министрининг ўринбосари Ли Чжэ-жень, элчихона маслаҳатчиси Чжан Вэй-ле, савдо маслаҳатчиси Чжан Хуа-тун, элчихона маслаҳатчиси Ли Цзеван ва бошқалар.

Битимни имзолаш вақтида совет ва хитой журналистлари ҳам ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

Ўзбекистон меҳнаткашлари қардош партияларнинг вакилларини самимий табрикламоқдалар

Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС нинг навбатдан ташқари XXI съезди ишида қатнашган қардош марксистик-ленинчи партияларнинг республикамизда меҳмон бўлиб турган делегациялари аъзоларини гоят меҳмондўстлик билан кутиб олмоқдалар.

8 февраль якшанба куни Франция, Бельгия ва Швеция Коммунистик партияларининг вакиллари ҳамда Швейцария меҳнат партиясининг делегацияси Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари Ғ. А. Габриельянц ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бўлим мудири Ғ. С. Султонов ҳамроҳлигида Самарқандга бордилар. Бу ерда азиз меҳмонларни Самарқанд область партия комитетининг секретари Ғ. Ғ. Юсупов, Самарқанд шаҳар партия комитетининг биринчи секретари М. Ҳақбердиев ҳамда область ва шаҳар партия ташкилотларининг бошқа раҳбар ходимлари кутиб олдилар. Қардош партияларнинг вакиллари бир неча соат давомида шаҳарнинг турмуши билан, унинг тарихий ёдгорликлари билан танишдилар.

Тошкентга қайтиб келганларидан кейин меҳмонлар республика пойтахтининг бир қанча саноат корхоналарида ва ўқув юртларида бўлдилар. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бўлим мудирлари М. Н. Набиев, Ғ. Н. Нажимов, Ғ. С. Султонов, шаҳар партия ташкилотларининг раҳбарлари уларга ҳамроҳ бўлдилар.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг коллективи 9 февралда Франция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси Ролан Леруани ва Франция Коммунистик партияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат Жорж Маршэ ва Франция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзолигига кандидат Жорж Маршэ трибунага чиққанида яна кучли қарсаклар бошланади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXI съезди, деди у, бутун прогрессив инсониятнинг умумий ишига — тинчлик учун кураш ишига гоят катта ҳисса қўшди. Ўртоқ Хрушчевнинг докладида ва охирги сўзида совет халқининг тинчликка бўлган мустаҳкам иродаси жуда ёркин ифодаланган. Бу тинчлик коммунизм қурилиши учун зарурдир. Шу билан бирга партиянинг XXI съезди Совет Иттифоқининг қудратли кучини яққол кўрсатиб берди. Биз қаттиқ ишонамизки, агар капитализм янги уруш бошлайдиган бўлса, бу урушда у батамом ҳалок бўлади. Совет Иттифоқи қудратининг ўсиши чет эл мамлакатларининг меҳнаткашларини чексиз ҳувонтиради, чунки тинчликни сақлаб қолишнинг энг яхши гарови ана шундадир. Ер юзида тинчлик бўлиши учун Франция Коммунистик партияси ўз курашини кенгайтирмоқда.

Биз Ўзбекистонда бўлиб, Совет ҳокимияти даврида ўз маданий традицияларини сақлаб ва кўпайтириб жуда илгарилаб кетган ўзбек халқини кўриб чин кўнгилдан қувонамиз. Мен ишонаманки, сизнинг халқингиз етти йиллик план топшириқларини бажарибгина қолмай, балки ошириб бажаради ва сизларга чин кўнгилдан ҳар жиҳатдан муваффақиятлар тилайман.

Тошкентдаги тўқимачилик машинасозлиги заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг Швейцария меҳнат партияси делегацияси билан учрашуви бағишланган митингда жуда кўп киши тўпланди.

Митингда завод партия комитетининг секретари И. В. Манюхин, слесарь-йиғувчи А. Д. Алехин, темирчилик цехининг бошлиғи Ш. У. Умаров коммунистик қурилишнинг КПСС XXI съезди томонидан белгилаб берилган улуғвор программасини муваффақиятли бажаришга совет кишилари қатъий аҳд қилганликлари тўғрисида, совет халқининг чет эл мамлакатлари меҳнаткашлари билан бирдамлиги мустаҳкамланиб бораётганлиги ҳақида гапирдилар.

Митингда тўпланган кишилар томонидан қизғин кутиб олинган Швейцария Меҳнат партияси Раҳбар комитетининг аъзоси партия Марказий Комитетининг секретари Жан Венсан нутқ сўзлади.

Азиз совет дўстларимиз, деди у, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг биз қатнашишга муяссар бўлган XXI съезди бизга кўп нарсани ўргатди ва тутган бош йўлимизнинг тўғрилигини таъкидлади. Бу ерда сўзга чиққан ўртоқлар бизнинг манфаатларимиз ва мақсадларимиз бир, деб тўғри гапирдилар. Биз меҳнатнинг биринчи ўринда туришини, меҳнатнинг бутун жаҳонда равнақ топишини истаймиз. Биз ишонамизки, сизлар белгиланган планларни, XXI съездда қабул қилинган планларни алббатта бажарасиз. КПССнинг XXI съезди тарихга коммунизм қурувчилар съезди бўлиб киради. Яшасин меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлиги! Яшасин коммунизм!

Сўз Швейцария Меҳнат партиясининг бош секретари Эдгар Воогга берилади. Узоқ давом этган қарсаклардан кейин у айтади:

Бу ерда, совет тупроғидан биз ўзимизни қардош ва яқин кишилар орасида деб ҳис қиламиз. Халқлар бирлашиши керак, уларнинг капиталистларсиз яшаши мумкин. КПССнинг XXI съезди бизга яна куч-қувват қўшди, бизда тинчлик кучлари енгадилар, халқлар қардошлардек тинчликда ва дўстликда яшайдилар, деган ишончни мустаҳкамлади. Яшасин барча мамлакатлар меҳнаткашларининг бирдамлиги! Яшасин тинчлик!

Тошкентдаги қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг коллективи Бельгия Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ва секретари Жан Блюмни самимий кутиб олди.

Корхонанинг йиғув цехида бўлган митингда инженер-технолог С. Зокиров, Коммунистик меҳнат бригадасининг аъзоси, фрезеровкачи М. И. Черноглазов, цех бошлиғи Г. И. Афанасьев сўзга чиқдилар. Уларнинг ҳаммаси КПСС XXI съезди қабул қилган қарорларнинг гоят катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, етти йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажаришга тайёр эканликларини изҳор қилдилар.

Митингда Бельгия Компартияси Марказий Комитети секретари ва Сиёсий бюросининг аъзоси Жан Блюм нутқ сўзлади. Унинг сўзи бир неча бор қарсаклар билан бўлиниб турди.

Бельгия меҳнаткашларининг ўз ҳуқуқлари учун, Бельгия Конгосидаги мустамлакачилик зулмининг тўхатилиши учун олиб бораётган кураши тўғрисида гапириб, Жан Блюм бундай деди:

Мен сизларга, совет кишиларига социализм ва коммунизм қурилиши йўлидаги қимматли тажриба учун миннатдорчилик билдиришни истар эдим. Бу тажриба бизларнинг ҳаммамизга тинчлик ва демократия учун курашда йўл кўрсатувчи машъал бўлиб хизмат қилади. Капиталистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари ўз золимларига қарши курашга отланган ҳар сафар, уларнинг назари олдида Совет Иттифоқи, унинг ажойиб тарихий намунаси гавдаланади. Сиз биринчи бўлиб коммунизм қурилишини бошладингиз. Сиз қурсатаётган ажойиб қаҳрамонлик бизларнинг ҳаммамизни ер юзида тинчлик ва бахт-саодат йўлида янада катта ишлар қилишга илҳомлантиради.

Жан Блюм ўз сўзининг охирида Совет Иттифоқи шарафига, тинчлик ва демократия учун, бутун жаҳонда тинчлик учун курашаётган коммунистик ва ишчи партиялар шарафига табрик хитобларини айтади.

Қардош партияларнинг вакиллари шаҳар саноат корхоналарида бўлганларидан кейин Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетида тўпландилар. Улар республика пойтахти студентларининг ҳаёти билан, Ўзбекистонда олий таълим ва илмий-тадқиқот ишларининг қандай қўйилганлиги билан жуда завқланиб танишдилар.

Кимё факультетининг мажлислар залида митинг бўлди. Университетнинг ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги О. С. Содиқов, доцент А. Ғаниев, профессор Н. М. Мирошхина, студентлардан А. Аминова ва М. Умаровалар меҳмонларга қизғин табрик сўзлари билан мурожаат қилдилар.

Университетдаги митингда Франция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси Ролан Леруа, Франция Коммунистик партияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат Жорж Маршэ, Бельгия Коммунистик партияси Марказий Комитети секретари ва Сиёсий бюросининг аъзоси Жан Блюм, Швейцария Меҳнат партиясининг бош секретари Эдгар Воог нутқ сўзладилар. Улар ўз сўзларида совет халқининг, шу жумладан Ўзбекистон меҳнаткашларининг фанни ва олий таълимни ривожлантириш соҳасида эришган гоят катта муваффақиятларидан ҳайратда қолганликларини изҳор қилдилар, Ўзбек ёшларига коммунистик жамият қурилишида янгидан-янги катта муваффақиятларга эришишни тиладилар. (ЎзТАГ).

Редактор З. БСЕНБОЕВ.

03413. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Б-1530.